O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 19 март №55-56 (3330-3331) Жума

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ





Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 март куни Оқсаройда Европа Иттифоқининг ташқи алоқалар бўйича комиссари Кристофер Паттенни қабул қилди.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар кенг кўламда ривожланиб бормоқда. 1996 йили Италиянинг Флоренция шаҳрида мамлакатимиз билан ушбу улкан сиёсий-иқтисодий ташкилот ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур битимни ҳаётга татбиқ этишни таъминлаш мақсадида бир неча қўшма орган — "Ўзбекистон-Европа Иттифоқи" ҳамкорлик кенгаши, Ҳамкорлик қўмитаси, Парламентлар ҳамкорлиги бўйича қўмита ҳамда савдо ва сармоя, юстиция, ички ишлар, божхона соҳасида ҳамкорлик бўйича ички қўмиталар ташкил этилган. Улар мунтазам йиғилишлар ўтказиб турибди. Хусусан, жорий йилнинг январида Брюсселда "Ўзбекистон-Европа Иттифоқи" ҳамкорлик кенгашининг бешинчи, ўтган йили Тошкентда Ҳамкорлик қўмитасининг ва Самарқандда Парламентлар ҳамкорлиги бўйича қўмитанинг тўртинчи мажлислари бўлди.

Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан унинг ТАСИС дастури доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги, энергетика, таълим, қурилиш, инфратузилмани ривожлантириш, экология каби соҳаларда Европа Иттифоқининг техникавий ёрдами салмоқли бўлмоқда.

Ўзаро муносабатларда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан муҳим ўрин тутувчи транспорт коммуникацияларига алоҳида эътибор берилмоқда. Буюк Ипак йўлини тиклашга қаратилган ТРАСЕКА лойиҳаси изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг майида Европа Иттифоқи таркибига яна ўн мамлакат қўшилади. Бу Ўзбекистоннинг Шериклик ва ҳамкорлик битими доирасидаги ҳамкорлари сафини ҳам кенгайтиради.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида Ўзбекистон — Европа Иттифоқи муносабатлари, минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазиятга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА:** қабул пайти.

**А. ТЎРАЕВ** олган суратлар.

*Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа Иттифоқининг (ЕИ) ташқи алоқалар бўйича комиссари Кристофер Паттен раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.*

### ЕВРОПА ИТТИФОҚИ КОМИССАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мулоқот чоғида томонлар Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалаларни муҳокама қилди. Шунингдек, минтақавий хавфсизлик муаммолари, хусусан, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни меҳмонлар пойтахтдаги Халқаро Бизнес-марказида "Ўзбекистонда ТАСИС дастурининг 12 йиллиги" фотокўргазмасининг очилиш маросимида иштирок этди.

**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ**
**ЎзА мухбири.**

### «Обод Хонобод»

Наврўз байрами арафасида Андижон вилоятидаги Хонобод шаҳрида "Обод Хонобод" мавзуидаги кўргазма очилди. Ушбу кўргазмадан шаҳар тарихидан ҳикоя қилувчи экспонатлар, замонавий суратлар, бадиий полотнолар, шунингдек, халқ амалий санъати намуналари ўрин олган, — дея хабар беради "Туркистон-пресс" мухбири К. Низомов.

Бундан ташқари, маҳаллий қўшма корхоналар, хусусий ва якка тартибдаги тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳам кўргазмага қўйилган. Айниқса, шаҳарликлар ва меҳмонларга вилоятда яшаётган турли миллат вакилларининг урф-одатлари, анъаналари акс эттирилган фотосуратлар ғоят манзур бўлмоқда.

### «Я-ДЕМ ТЕКСТИЛ»: «ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН»

Мамлакатимизда пахтани қайта ишлаш, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунда юртимизда фаолият юритаётган қўшма корхоналарнинг ўрни беқиёс.

Куни кеча Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида "Сурхонтекс" Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлган эди.

18 март куни пойтахт вилоятининг Янгийўл шаҳрида яна бир ана шундай замонавий корхона — "Я-ДЕМ текстил" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимни Тошкент вилояти ҳокими К.Тўлаганов очди.



Янги корхонанинг умумий лойиҳа қиймати 20,7 миллион АҚШ долларига тенг. У Япония, Туркия, Италия, Германия, Жанубий Корея каби мамлакатлардан келтирилган замонавий тўқув ва тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган. Унда бир йилда 24 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот ишлаб чиқарилади. Чиқарилаётган кийим-кечак асосан экспорт қилинади.

Маросимда сўзга чиққан Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Решит Уман, "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси раиси А.Баҳромов, "Я-ДЕМ текстил" ишчиси Н.Мавлонова ва бошқалар мазкур қўшма корхона нафақат мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, балки икки давлат халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилажагини таъкидлади.

Корхона бош директори Режеп Шириннинг айтишича, айни пайтда бу ерда етти юздан зиёд йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Корхона тўла қувват билан иш бошлагандан кейин ишчи-хизматчилар сони уч баравар кўпаяди.

— "Я-ДЕМ текстил"га келиб янги касбнинг бошини тутганимдан ва уни пухта эгаллаганимдан жуда хурсандман, — дейди янгийўллик тикувчи қиз Санобар Муллажонова. — Бу мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётимизни янада юксалтириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишни кўзлаб амалга оширилаётган хайрли ишлар шарофатидан, деб биламан.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари М.Усмонов сўзга чиқди.

**Лутфулла СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**СУРАТДА:** тикувчи Дилдора Шукурова.
**Сарвар ЎРМОНОВ** олган сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш тузиш тўғрисида

***Ижтимоий йўналтирилган ривожланган бозор иқтисодиётига эга ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида:***

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) тузилсин.

2. Кенгашнинг таркиби, Кенгаш тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

3. Кенгаш фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

давлат ва жамият қурилишини, суд-ҳуқуқ тизимини демократик янгилаш соҳасидаги ҳуқуқий майдонни шакллантириш жараёнини танқидий таҳлил этиш; давлат ва жамият қурилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар ва мақсадли вазифаларни ҳисобга олган ҳолда қонун ижодкорлиги ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш;

қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган давлат ва вакиллик органларининг, ташкилот ва муассасаларнинг, шунингдек илмий жамоатчиликнинг қонун ижодкорлиги фаолияти ҳамда давлат ва жамият қурилишини норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш соҳасида уларнинг тўлақонлиги ва уйғунлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятини демократлаштириш ва шакллантириш жараёнини чуқурлаштириш шароитларида суд ҳокимиятини ислоҳ қилишдаги фаолиятларини мувофиқлаштириш, саъй-ҳаракатларини бирлаштириш;

ислоҳотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиши соҳасидаги камчиликлар ("оқ доғлар")ни аниқлаш; давлат ва жамият қурилишининг аниқ муаммоларини ҳал этиш учун зарур бўлган қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, қонун ижодкорлиги фаолиятида такрорийлик, параллелликни истисно этувчи тизимлилик ва изчилликни таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси норма ва қоидаларининг қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда амалга оширилиши тўлиқлигининг мониторинги; Ўзбекистон Республикаси Конституцияси янги қоидаларини тўла амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни қабул қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

мамлакат қонунчилигида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари устуворлигини ҳамда инсон ҳуқуқларининг бирламчилигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари (нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари)ни янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришни, фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувида бевосита ва самарали иштирок этишини таъминлайдиган қонунларни қабул қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган қонун билан тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш юзасидан тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 августдаги Ф-1828-сон Фармойиши билан тасдиқланган Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин.

Хизматнинг энг муҳим вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга очиқ демократик давлатнинг шакллантирилишини, Ўзбекистоннинг фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида олға томон изчил ҳаракатини таъминлайдиган самарали ҳуқуқий базани яратиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини мунтазам ("умумийликдан хусусийликка" тамойили асосида) ривожлантириш ва эволюцион тарзда такомиллаштиришни таъминлаш; ижтимоий тараққиёт, давлат қурилиши ва суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш соҳасидаги мақсадли вазифаларни ҳисобга олган ҳолда қонун ижодкорлиги ишларининг концептуал асосларини, устувор йўналишларини белгилаш;

қонунларни қабул қилиш, қонунчилик базасини шакллантириш ва такомиллаштириш жараёнига таъсир этувчи қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар, давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек илмий жамоатчилик билан доимий ҳамкорлик алоқаларини таъминлаш;

мамлакат парламенти мажлисларининг кун тартибини шакллантириш босқичида ҳам, қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш жараёнларида ҳам Олий Мажлис, унинг хизматлари ва бўлинмалари билан яқиндан ҳамкорликни ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган қонунларни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолаш учун тайёрлаш;

Олий Мажлиснинг икки палатали тизимини шакллантириш давомида, мамлакат қонун чиқарувчи олий органининг қўмиталари ва бошқа ишчи тузилмаларини шакллантиришда иштирок этиш, парламентнинг барқарор, уйғунлашган фаолиятини ташкил этишда зарур ёрдам кўрсатиш;

Президент девонининг бошқа хизматларига юридик ҳамда ҳуқуқий соҳада ташкилий-ҳуқуқий, маслаҳат ёрдамлари кўрсатиш;

ижтимоий ҳаёт ва давлат тузилишининг турли соҳаларини ривожлантириш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини яратишдаги илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибасини чуқур таҳлил этиш, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш фаолиятида ана шу тажрибадан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатни янгилаш вазифаларини ҳисобга олган ҳолда юридик фан ва таълимни ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш дастурларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш

(Давоми 2-бетда).

## НАВРЎЗ САФОСИ



*Кеча матбуотда республика Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Қарорда узоқ ва давомли тарихимизда Наврўз бир кун эмас, бир ой мобайнида байрам қилинганига алоҳида эътибор берилган. Ва шундан келиб чиқиб, Наврўзни ҳар қайси воҳа ва водийнинг маҳаллий иқлим ва табиий шароитига мос ҳолда ўтказиш қўллаб-қувватланган.*

*Демак, Наврўз бир кунлик эмас, аксинча, давомли байрамдир. У мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида баҳорга ҳамоҳанг нишонланаверади. Академик Азиз Қаюмовнинг ушбу мақоласи ҳам Наврўзнинг боқийлиги, унинг «баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунгача...» давом этиши, хуллас, бу баҳор байрамининг бетакрор ва хушнаволиги хусусидадир.*

Қишнинг инжу каби қорлари бирданига эрий бошлайди. Жилғалар сувга тўлиб оқадилар. Эрта тонгда қушлар чуғури навбаҳор насимларига қўшилиб олислар сари учади. Улар ҳар бир кўнгилга ором ва ёқимли ҳаяжон бағишлайдилар. Бу баҳор сафоси, Наврўз сафоси.

Азалдан халқимиз табиат уйғонаётган бу шукуҳли кунларни шодлик билан байрам қилади. Наврўз байрами куртакларнинг бош чиқаруви, баҳор ёмғирларининг ҳаётбахш нашидаси, далалар ва боғларда янги меҳнат мавсумига, янги мўл-кўл ҳосилнинг етиштира бошланувига боғлиқ тантанадир.

Наврўз байрамининг пайдо бўлмоғи узоқ асрлик тарихга эга. Олим ва мутафаккир Абу Райҳон Беруний ўзининг "Осори боқия" ("Ўтмиш ёдгорликлари") китобида ёзишича, Наврўз Эрон ва Туронда яшаган халқларнинг энг қадимий байрамидир. У «Баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунгача, ҳайвонларда шаҳват қўзғалишидан то насл вужудга келгунгача, ўсимлик ўсиб чиқа бошлагандан то такомиллашгунгача давом этадиган вақтга тўғри келади".

Бу байрам зардуштийлар ҳукмронлигида ҳам мавжуд эди. Чунки у бевосита табиатнинг уйғониши, деҳқончилик ишлари бошланиши билан боғлиқдир. Наврўз ва Меҳргон байрамлари Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар даврида ҳам катта тантана сифатида нишонланган. Ҳатто кейинчалик мўғуллар истилоси даврида ҳам халқ Наврўз байрамини унутмаган, уни нишонлашда давом этган.

Халқимиз тарихида Наврўзга бағишланган кўплаб асарлар яратилган. Наврўз билан Қурбон ҳайити бир вақтга тўғри келиб қолганда бухоролик шоир Рудакий кишиларни "қўй сўйиб нишонланадиган Наврўз" билан табрик этган экан. Шундан маълум бўладики, Наврўз халқ ҳаётига сингиб кетган.

Улуғ шоир, тарихшунос олим ва давлат арбоби Бобур "Бобурнома" асарида ёзадики, бир маҳал Ҳиндистонда Наврўз байрами ҳарбий сафар пайтига тўғри келиб қолган. Шоир шундай байрамда эл-юрт шоду хуррамликда эканида ўзининг севикли маҳбубасидан йироқда бўлганлигидан таъсирланиб ёзади:

***Янги ой ёр юзи бирла***
***кўруб эл шоду***
***байрамлар,***
***Менга юзу қошингдан***
***айру байрам ойида***
***ғамлар.***

Лирик қаҳрамон учун Наврўз байрами ёр юзининг намойиши, етишув байрамидек туюлади. Табиат ҳусндорлик рўй очган бу гўзал байрам севикли ёрнинг чеҳраси, учрашув умиди билан

(Давоми 3-бетда).

### ХАЙРЛИ ТАДБИР

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Лазиз РАҲМАТОВ).***

Наврўз байрами арафасида пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 24-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига байрам дастурхони ёзилди. Шодиёнанинг концерт дастурида турли миллатга мансуб болалар Наврўзни, Ватан ва ота-она меҳрини мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар ижро этди. Шўх мусиқа барчани рақсга чорлади.

— Халқимизнинг қадимий байрами муносабати билан ўтказилаётган бундай хайрли тадбирлар болажонларимизга катта қувонч улашади, — деди Меҳрибонлик уйи директори Доно Ворисова ЎзА мухбирига. — Бу борада мурувватли ва ҳимматли ҳомийларимиз томонидан мунтазам хайрия ёрдами кўрсатиб келинаётгани, айниқса, таҳсинга лойиқдир.

Республика "Маҳалла" ва "Нуроний" жамғармалари ҳамда Тошкент шаҳри ва Собир Раҳимов тумани ҳокимликлари вакиллари Меҳрибонлик уйига байрам совғалари топширди.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

***ФАРМОЙИШИ***

## Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш тузиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

ишининг самарадорлигини таъминлаш, Кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларни амалга ошириш.

5. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат-ҳуқуқий, суд тизимини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш масалалари бўйича Кенгаш тузиш тўғрисида" 2001 йил 12 ноябрдаги Ф-1471-сон Фармойиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳини Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчисининг хизмати этиб қайта ташкил қилиш тўғрисида" 2003 йил 20 августдаги Ф-1828-сон Фармойишининг 3-банди.

6. Ушбу Фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Мирбобоев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 13 март.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш тузиш тўғрисида"ги Фармойишига

## ШАРҲ

Кейинги йилларда Ўзбекистонда демократик янгиланишга ва мамлакат ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг барча соҳаларини эркинлаштиришга, давлатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарали қонунчилик базасини вужудга келтиришга қаратилган миқёси ва мазмунига кўра муҳим ишлар амалга оширилди.

Бу ишларнинг устувор йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузада белгилаб берилди ҳамда сиёсий соҳадаги, давлат қурилиши ва бошқарув, иқтисодий, маънавий, суд-ҳуқуқ, ташқи сиёсий соҳалардаги ҳамда хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш бўйича Дастурларда ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июндаги Фармони билан маъқулланган ушбу Дастурларнинг амалга оширилиши ижтимоий йўналтирилган ривожланган бозор иқтисодиётига эга демократик ҳуқуқий давлатни, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида мамлакатнинг изчил олға ҳаракат қилишини таъминлашга қаратилган бир қатор қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишини тақозо этди.

Икки палатали парламентни шакллантириш муносабати билан қабул қилинган конституциявий қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган тузатишлар, давлат ҳокимияти тизимини, уни шакллантириш принципларини янада такомиллаштиришнинг, қонун ижодкорлиги фаолиятини чуқур ислоҳ қилишнинг қонунчилик, ҳуқуқий базасини яратди.

Ижтимоий тараққиёт, давлат-ҳуқуқий, суд фаолияти соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш тузилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 февралдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов: "иқтисодиётдаги ислоҳотлар сиёсий соҳа, давлат қурилиши ва суд-ҳуқуқ тизимидаги чуқур ислоҳотлар билан уйғун ҳолда амалга оширилмаса, уларнинг муваффақият қозониши қийин", деб таъкидлаган эди. Шунинг учун ҳам қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган давлат ва вакиллик органларининг, ташкилот ва муассасаларнинг, шунингдек илмий жамоатчиликнинг қонун ижодкорлиги ҳамда давлат ва жамият қурилишини, суд-ҳуқуқ тизимини норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, уларнинг тўлақонлиги ва уйғунлигини таъминлаш Кенгашнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Кенгашнинг муҳим вазифаларидан бири, шунингдек ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш соҳасидаги камчиликларни аниқлаш, давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги аниқ муаммоларни ҳал этиш учун зарур бўлган қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, шунингдек қонун ижодкорлиги фаолиятида такрорийлик, параллелликни истисно этувчи тизимлилик ва изчилликни таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси норма ва қоидаларининг қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда амалга оширилиши тўлиқлигининг мониторингини юритиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси янги қоидаларини тўла амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни қабул қилиш, мамлакат қонунчилигида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари устуворлигини ҳамда инсон ҳуқуқларининг бирламчилигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш Кенгаш зиммасига юклатилган.

Кенгаш фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувида самарали иштирок этишини, оммавий ахборот воситаларининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлайдиган қонунларни қабул қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади.

Бунда Кенгаш давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги, қонунчиликни ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш бўйича илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибасини чуқур таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси қонун ижодкорлиги фаолиятида ундан фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлайди.

Қонун ижодкорлиги ишларининг даражасини янада кўтариш мақсадида Кенгашга ҳуқуқ соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш, илмий жамоаларнинг саъй-ҳаракатларини давлат-ҳуқуқий ва суд тизимини такомиллаштириш борасидаги долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтириш, илмий изланишлар натижаларидан қонунчилик ва ҳуқуқнинг қўлланилиши амалиётида самарали фойдаланишга кўмаклашиш, миллий ҳуқуқ мактабини шакллантириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш юклатилган.

Таъкидлаш муҳимки, Кенгаш қарорларини ҳар томонлама ва тўлақонли ишлаб чиқиш мақсадида унинг таркибига нафақат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари, вакиллик органлари, балки жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, шунингдек таниқли олимлар, амалиётчи мутахассислар ҳам киритилган.

Кенгаш маслаҳат органи ҳисобланади. Унинг қарорлари тавсиявий характерга эга. Кенгаш ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси Хизмати билан яқин ҳамкорликда ташкил қилади.

Фармойишда белгиланган вазифаларнинг Кенгаш томонидан бажарилиши давлат ва жамият қурилиши ҳамда суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги демократик ўзгаришларни амалга оширишда, шубҳасиз, ўзининг ижобий натижаларини беради.

## 2004 йилнинг январь-февраль ойлари Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланаётганидан далолат бермоқда

***Тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай макроиқтисодий муҳит яратилиши, иқтисодиёт таркибий ўзгаришлар жараёнларининг чуқурлашуви, янги инвестиция лойиҳаларининг фойдаланишга топширилиши ҳамда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва ўзлаштириш бўйича қабул қилинган дастурларнинг бажарилиши жорий йилнинг январь — февраль ойларида республика иқтисодиёти ривожланиш суръатларини жадаллаштиришда муҳим омил бўлди.***

Жорий йилнинг икки ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,6 фоиз ўсди. 2003 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич бор-йўғи 2,5 фоизни ташкил этганди. Жорий йилда саноатнинг қора металлургия (21,1 фоиз), машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (35,6 фоиз), қурилиш материаллари саноати (13,8 фоиз) ва енгил саноат (11,4 фоиз) каби тармоқлари жадал суръатда ривожланмоқда.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан газ саноати, қора металлургия, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси ортди.

ЎзДЭУавто, "Ўзметкомбинат" акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Сино" Самарқанд музлатгичлар заводи каби йирик корхоналар, "Ўзбекенгилсаноат" компанияси, "Ўзбек ипаги", "Ўзозиқовқатсаноат", "Ўзфармсаноат" уюшмалари корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада кўпайди.

Ёқилғи-энергетика мажмуи тармоқларида нефть (7,9 фоиз), табиий газ (7,6 фоиз) ва кўмир (15,3 фоиз) қазиб олиш, дизель ёқилғиси (12,2 фоиз) ва суюлтирилган газ (23,6 фоиз) ишлаб чиқариш ҳажми ортди. Пўлат (8,4 фоиз), қора металлар прокати (13,1 фоиз), цемент (27,4 фоиз), сопол тахтачалар (20,4 фоиз) ва юмшоқ томёпгич материаллар (22 фоиз) ишлаб чиқариш кўпайди.

Мамлакатимиз корхоналарида 343,3 миллиард сўмлик истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, бу эса ўтган йилнинг тегишли давридагидан 14,4 фоиз кўпдир.

Ипак ва пахта калавалари ишлаб чиқариш ҳажми анча кенгайди (14,2 фоиз). Автомобиллар (2,1 марта), телевизорлар (47,8 фоиз) ва бошқа турдаги маиший техника, гиламлар (2 марта) ва тайёр тикувчилик маҳсулотлари (7,5 фоиз) ишлаб чиқариш ўсди. Озиқ-овқат саноатида ҳам ўсиш қайд этилди.

Саноат моллари ишлаб чиқариш суръатидаги юксалиш ва иқтисодиётда фаолликнинг кучайиши транспорт хизмати ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Жорий йилнинг январь — февраль ойларида юк ташишнинг умумий ҳажми 2003 йилнинг шу даврига нисбатан 3,2 фоиз, йўловчи ташиш эса 6,8 фоиз ўсди.

Мамлакатимизда истеъмол моллари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, савдо фаолияти билан шуғулланувчи савдо ташкилотлари ва жисмоний шахслар фаолиятини тартибга солиш, ички истеъмол талабини ошириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2004 йилнинг январь — февраль ойларида чакана савдо айланмаси 2003 йилнинг шу даврига нисбатан 4 фоизга кўпайди. Аҳолига 2003 йилнинг январь — февраль ойларидагидан 9 фоиз кўп пуллик хизмат кўрсатилди.

Ташқи савдо айланмаси суръатларида ҳам ижобий анъаналар давом этмоқда. Жорий йилнинг ўтган икки ойида ташқи савдо айланмаси 27,4 фоиз, шу жумладан экспорт 38,3 фоиз, импорт 17,1 фоиз кўпайди. Экспорт таркибида машина ва ускуналар, энергия манбалари, кимё маҳсулотлари, қора металлар ва бошқа товарлар миқдори кўпайди. Машина ва ускуналар, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун хомашё ва материаллар, дори-дармонлар импорти ўсди.

## Ўзбекистонда инфляция пасаймоқда

***2003 йилдан бошлаб Ўзбекистонда инфляция даражасининг кескин пасайиши кузатилмоқда. Бу мутаносиб пул-кредит, солиқ-бюджет сиёсати ва иқтисодиётда рўй бераётган таркибий ўзгаришлар натижасидир.***

Ўтган йилдан бошлаб давлат бюджети тақчиллигини Марказий банк кредитлари ҳисобидан молиялашнинг тўхтатилиши ҳам бу борада муҳим омил бўлди. Бу ҳолат аввалги йилларда мамлакатимизда инфляциянинг асосий манбаларидан бири бўлиб келган эди. 2003 йилда нархларнинг ўсиш суръати 3,8 фоизни ташкил этди, 2002 йилда бу кўрсаткич 21,6 фоиз бўлган эди.

Бу анъана 2004 йилда ҳам давом этмоқда. Жумладан, Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 300 номдаги товар ва хизматдан иборат истеъмол эҳтиёжлари бўйича ҳисобланган инфляция даражаси бутун мамлакат бўйича январ-февралда 0,9 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, 2003 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 4 фоизни ташкил этганди.

2004 йилнинг ўтган икки ойида баъзи озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи пасайгани кузатилди: гуруч — 9,8 фоиз, картошка — 5,9 фоиз, тухум — 4,8 фоиз, сабзи — 4 фоиз, шакар — 3,8 фоиз, мол гўшти — 1,8 фоиз арзонлашди. Шу даврда хизматлар учун тарифларнинг ўртача 3,9 фоиз ўсгани қайд этилди.

Инфляция даражасининг пасайиши миллий валютага ишончнинг мустаҳкамланиши, фоиз ставкаларининг пасайиши ва банк кредитларининг арзонлашиши, инвестиция фаоллигининг кучайишига хизмат қилади. Буларнинг барчаси алалоқибат иқтисодий юксалиш суръатларини жадаллаштириш ва аҳолининг реал даромадларини ўстиришга ёрдам беради.

**ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ.**

# Қишлоқда қонун устуворлиги

## иқтисодий ислоҳотларнинг зарур шартидир

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий соҳаларидан бири — қишлоқ хўжалигида туб бурилишга эришиш учун кенг тадбирлар олиб борилмоқда. Аграр тармоқ ривожланишини таъминлаш халқ фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлиб, бу соҳадаги натижалар яхлит олганда бошқа барча жабҳалар тақдири билан чамбарчас боғланган.

Қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, соҳа инфратузилмасини ривожлантириш, бу ерда яшайдиган, аҳолимизнинг камида 60 фоизини ташкил этадиган одамларнинг муаммоларини, қийинчилик ва етишмовчиликларини ҳал қилиш, қишлоқда ҳаёт даражаси ва маданиятни юксалтириш учун ҳали жуда кўп иш қилишимиз кераклиги ҳақида мамлакатимиз Президенти иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессиясида алоҳида таъкидлаган эдилар. Давлатимиз раҳбарининг турли соҳа ходимлари олдига қўйган вазифаларини изчил амалга ошириш масалага ҳар жиҳатдан оқилона ёндошиш ва пухта иш кўришни тақозо этади.

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз парламенти умумхалқ бойлиги — ердан унумли фойдаланиш, заминда ишлаётган одамлар салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган қонунлар тизимини яратиб берган. Албатта, фақат қонунни ишлаб чиқиш билан мурод ҳосил бўлмайди, уни чин воқеликка айлантириш, турмушга татбиқ этиш учун, ҳаёт кўрсатишича, янаям кўп куч-ғайрат сарфлашга тўғри келади.

Қонун рисоладагидек ишлаши учун жуда кўп шарт-шароитларни яратиш тақозо этилади. Айтайлик, фермер манфаатини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий ҳужжат мавжуд бўлсаю, лекин бу имкониятдан ўша субъектнинг ўзи фойдаланишни билмаса ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора қонун устуворлигини таъминламаса, кўнгилдаги натижага эришиб бўлмайди.

Хўш, амалда нима бўляпти? Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини йўлга қўйишда кўпинча қонунга зид ҳаракатлар содир этилмоқда. Давлатга пахта, ғалла топшириш, ширкат ва фермер хўжаликларига техникавий хизмат кўрсатиш, минерал ўғитлар, ёнилғи мойлаш материаллари етказиб бериш ҳамда пул маблағларини ўтказишда шартнома мажбуриятларига тўлалигича амал қилинмаяпти. Ерларни ажратишда ёзиб қўйилган қонунга итоат қилиш ўрнига таниш-билишчилик, ошна-оғайнигар-

### Фармонни ўқиб

чилик, ҳатто порахўрлик иллатлари намоён бўлмоқда. Оқибатда ернинг умри беҳуда ўтаяпти. Далаларда ҳосил нест-нобуд қилиняпти, ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари талон-торож бўлишига чек қўйилмаяпти.

Бундай салбий иллатлар таг-томири билан қирқилмас экан, қишлоқ хўжалигида туб бурилишга эришиш мушкул. Энг ачинарлиси, тилга олинган қонунбузарликлар яккам-дуккам эмас, балки, мамлакатимизнинг барча минтақаларига хосдир. Бундай ҳолат халқимизда адолатга ишончни сусайтиради, ислоҳотларни обрўсизлантиради. Демак, ишимизнинг ана шу жабҳасида жиддий қусурлар мавжуд.

Хўш, аҳволни ўнглаш учун нима қилиш керак? Бу саволга Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган қонунларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармонидан тўлиқ жавоб олиш мумкин. Мазкур Фармонга кўра, Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокуратураси таркибида қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бўлимлар ташкил этилди. Прокуратура тузилмасига киритилган ана шу янги бўлинма зиммасига фермер ва деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга ер ажратишда мансабдор шахслар томонидан хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш, ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик ҳолатларига йўл қўймаслик, бу борадаги қонунбузилишларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ерлардан мақсадли фойдаланиш, шунингдек, шартнома мажбуриятларига риоя қилиш устидан доимий назоратни ўрнатиш юклатилган. Шу билан бирга асосий экин ҳисобланган пахта ва ғалла майдонларининг мониторингини мунтазам йўлга қўйиш, экинзорларнинг тасдиқланган шартнома мажбуриятларига мувофиқлигини танлаб текшириш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлашга қаратилган қатор бошқа вазифалар белгилаб берилди.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда нафақат прокуратура, балки ҳокимликлар, хўжалик суди, адлия идораларининг ҳам бир тан-бир жон бўлиб куч сарфлашларига тўғри келади. Айни пайтда Президент Фармонида кўзда тутилган мақсадларни оддий одамларга етказиш ҳам бениҳоя муҳим юмушдир. Ахир халқимиз ризқу-рўзини, насибасини яратаётган деҳқон ва фермерлар ўз ҳуқуқ ҳамда манфаатлари қанчалик ҳимоя қилинаётганини, исталган пайтда тегишли идоралар унга ҳомий эканлигини яхши билгандагина муайян самарага эришиш мумкин. Юқорида тилга олинган Фармон қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларимиз одимига жадаллик бахш этишида муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

### *Кучли давлатдан — кучли жамият сари*

*Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузаси ҳар биримизни мушоҳада юритишга ва изланишга ундайди. Шу жиҳатдан олганда, ўз сафларига тобора кўпроқ фуқароларни жипслаштираётган жамоат бирлашмалари тараққиётига оид қарашлар ҳаммамизни қизиқтириши, шубҳасиз. Қуйида нодавлат нотижорат ташкилотлар ривожи, бу борада ечимини кутаётган муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари хусусида мулоҳазалар юритилади.*

# Демократия ғунчалари

Ҳозир юртимиздаги жамоат бирлашмалари сони тўрт мингтадан ошди. Бу ҳодисага Юртбошимиз **мамлакатдаги демократик ҳолатлар кўзгуси** деб муносиб баҳо берган эди. Ривожланган мамлакатларда ушбу жараён узоқ йиллик қийинчиликлар, ҳатто жон фидо қилишлар эвазига амалга ошганидан хабардормиз. Ўзбекистонда эса нодавлат нотижорат ташкилотлар ислоҳотларнинг бош йўналиши – "Давлат – бош ислоҳотчи" тамойили асосида ривожланмоқда. Давлат — биринчи, тижорат — иккинчи, нодавлат нотижорат ташкилотлар йўналиши учинчи сектор деб аталмоқда.

Бу борада дастлабки эътибор нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга қаратилди. Марказий Осиёдаги давлатлар орасида фақат Ўзбекистонгина бу соҳада ҳуқуқий-меъёрий база яратишга эришди. 1999 йилда "Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун эълон қилинди. 2003 йилдан эътиборан Президентимиз ташаббуси билан "Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва давлат кафолатлари тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини тайёрлашга киришилди. Шунингдек, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Жамоат фондлари тўғрисида"ги қонунларга асос солиниши нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқий ўрнини белгилашда муҳим аҳамият касб этди.

"Ишбилармон аёллар уюшмаси", "Меҳр-шафқат ва саломатлик", "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, Хотин-қизлар қўмитаси биринчилардан бўлиб ташкил этилган жамоат бирлашмаларидир. Кейинчалик улар сафини "Соғлом авлод", "Амир Темур", "Имом ал-Бухорий", "Наврўз" хайрия жамғармалари, "Оила", "Ижтимоий фикр" марказлари кенгайтирди.

Албатта, дастлабки ютуқлар катта қийинчиликлар ва машаққатлар эвазига қўлга киритилди. Негаки, йиллар мобайнида ўрнашиб қолган эскича тасаввурлар нодавлат ташкилотлар табиатига мос келмасди. Ҳозир бу асоратлар ортга чекинмоқда. Фуқароларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини тобора теранроқ англаб бормоқда. Омманинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортмоқда. Жамоат бирлашмалари сони кўпаётганлиги ҳам шундан далолат.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоларининг таъкидлашича, учинчи сектор йўналиши, айниқса, Қорақалпоғистон Республикасида яхши йўлга қўйилган. Бу ерда ташкил этилган "Перзент" нодавлат ташкилоти таълим, тиббиёт, экология масалалари бўйича ҳудуддаги кенг кўламли ишларга бош-қош бўлмоқда. Бугун у аҳоли орасида давлат идоралари билан рақобатлаша оладиган мавқега эришган.

Тошкентда Америка Қўшма Штатларининг "Нью хоуп реаблитейшн фаундейшн" халқаро нодавлат нотижорат ташкилотининг филиали бор. У ногиронларга беғараз инсонпарварлик ёрдами кўрсатади. Айтайлик, оёқнинг тиззадан пастки қисми протези учун 6,5 минг доллар сарфланади. Сифатли хомашёдан протез ясашдан тортиб, уни кийдириб, танани кўниктиришгача бўлган жараёнларни бажаради. 45 йилдан буён протез ясаш билан шуғулланаётган жаноб Хонг ташкилотга раҳбарлик қилади. У ёшлигидан ногирон, ҳамдардлари ҳолатини яхши тушунади, астойдил ёрдам беради.

— Юртингизга ўн йил илгари келиб, бу заминга меҳрим тушган,— дейди жаноб Хонг. — Ўзбекистон Президенти 2004 йилни Меҳр-мурувват йили деб эълон қилганида, кўзларимга ёш келди. Мени серқуёш ўлкангизда қолишга ундаган туйғу аслида — шу. Яна шу тупроққа ипсиз боғландим.

Нукусдаги "Фуқаролик жамиятини ривожлантириш", Бухородаги "Ахборот ва маданият" марказлари, Урганчдаги "Ал-Хоразмий" халқаро илмий жамияти давлат зиммасидаги вазифаларни ўз низом ва дастурларига киритиб, уларни ҳал этишга, муайян масалалар юзасидан жамоатчилик фикрининг шаклланишига ҳисса қўшмоқда. Аммо ушбу мақсад йўлига халақит бераётган тўсиқлар ҳам борки, уларни ҳал этиш учун жамоат бирлашмаларидан анча сабр-бардош, изланиш талаб этилади. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланишини тақозо қилади.

Маълумки, жамоат бирлашмалари Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади. Уларнинг ишлари мазкур идоралар орқали назорат қилинади. Учинчи секторнинг бугунги аҳволи ҳақида Адлия вазирлиги Жамоат бирлашмалари бошқармаси бошлиғи Жалол Абдусатторов шундай дейди:

— Жамоат бирлашмалари орасида зиммасидаги вазифасини уддалаётганлари билан бир қаторда нодавлат ташкилотларни грант маблағлари оқиб келадиган, бизнес манба сифатида биладиганлари ҳам бор. Уларнинг фаолиятлари бир-икки йилга бормай, ўз-ўзидан тўхтайди. Айрим нодавлат нотижорат ташкилотлар эса қонун ва меъёрий ҳужжатлар асосида иш бошласада, маълум кўрсаткичларга эришгач, низомларида белгиланган меъёрлардан четлашиш, уларни бажармаслик йўлига ўтадилар. 1995 йилда рўйхатдан ўтган "Халқ табиблари" халқаро уюшмаси бунга мисол. Унинг фаолияти ўрганилганда, "Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддаси бузилгани аниқланди. Уюшма халқаро миқёсда иш юритмаган. Раҳбар қонунга хилоф равишда ўз аъзоларига "Ўзбекистон халқ табиби" унвонини берган. Бу Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 14 мартдаги "Тарихий шахслар номидаги ва бошқа мукофотларни таъсис этишни тартибга солиш тўғрисида"-ги қарорига зиддир. Шунингдек, уюшманинг баъзи аъзолари беморларни ҳужжатсиз даволаш билан шуғулланганлар. Ушбу қонунбузарликларга кўра 2001 йил ноябрдан эътиборан уюшма фаолияти тўхтатилди.

Учинчи сектор йўналишида ечимини кутаётган муҳим муаммолардан бири унинг биринчи ва иккинчи секторлар билан муносабатларида кўринади. Баъзи давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб айтсак, минтақалардаги нодавлат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи тизимга зарурат сезилади. У фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоятларда иш бошлаётган филиаллари қошида ташкил этилса маъқул бўларди, — дейди Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори ўринбосари Баҳодир Эргашев. — Шунда улар учала сектор ҳамкорлиги масалалари билан мунтазам шуғулланадилар, тадбиркорлар билан ҳамкорликни йўлга қўядилар. Жамоат бирлашмаларидаги энг муҳим масалалар – амалий семинарлар ўтказиш, ахборот етказиш, волонтёрлар(кўнгиллилар)-ни ўқитиш, лойиҳаларни тақриздан ўтказиш, техник хизматлар кўрсатиш каби ишларни мунтазам йўлга қўядилар.

Давлат билан жамоат бирлашмалари ўртасидаги муносабатлар аҳоли орасида турли тадбирлар уюштириш орқали мустаҳкамланиши амалда исботланган. Фуқаролар форуми – ана шундай тадбирларнинг энг ўнғайи ва фойдалисидир. У нафақат секторлараро алоқани мустаҳкамлайди, балки нодавлат ташкилотлар сафини кенгайтиради, жамоатчилик фикрини шакллантиради.

— Халқаро тажрибаларда синовдан ўтган форумлар фуқаролик жамиятининг доимий ҳаракатдаги кўринишидир. Ўзбекистонда у қадар катта бўлмаган илк фуқаролик форумини "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази ўтказди. Бултур август ойида халқаро патронажлар ва Америка жамғармалари Тошкент вилоятида учинчи секторнинг дастлабки умуммиллий форумини уюштирди. Шу ўринда савол туғилади: хўш, юртимиз равнақига оид йирик анжуманларни нега четдан келган мутахассислар ўтказиши керак? Ахир муаммо, ютуқларимиз бошқалардан кўра ўзимизга кўпроқ аён-ку. Бор имкониятларимизни ишга солиб, уни ўзимиз уюштирсак, энг муҳим масалаларни кун тартибига қўйиб, ҳал этиш йўлларини муҳокама қилсак, нимаси ёмон? Бундан ҳар учала сектор, фуқаролар фақат манфаат кўради,— дея сўзини якунлайди профессор Баҳодир Эргашев.

Бу фикр — эътиборли. Мутахассисларнинг таъкидлашича, дунё миқёсидаги нодавлат ташкилотлар тажрибасида узоқ йиллардан буён бир ҳаётий ҳақиқат ўз тасдиғини топиб келмоқда. Унга кўра тўғри йўлга қўйилган фуқаролар форумлари ижтимоий соҳа вазирликларида иш ҳажми кескин камайишига таъсир қилади. Мабодо ривожланаётган давлатлардаги тинимсиз ортиб бораётган нодавлат ташкилотларнинг ҳар бири ўн нафар одамнинг ижтимоий ҳимоясини ўз зиммасига олган тақдирда ҳам, вазирликка иш қолмаган бўларди ҳисоб, деган қарашлар эътироф этилган.

Жойларда йиғилиб қолган муаммоларни давлат олдига кўндаланг қўйиш, уларни ҳал қилиш йўлларини излаш учун ташкилот раҳбарида кучли фидойилик, ёниб яшаш сурури бўлиши керак. Катта доирада иш бошлаган одам шу жараёнда "қайнай" олиши ҳам керак. Ҳолбуки, парламентнинг навбатдаги сайловолди жараёнлари масъулияти уларни ҳар қачонгидан фаол, ҳар доимгидан зийрак ва ҳаракатчан бўлишларини талаб этади.

**Мамлакат НОРМУРОДОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# НАВРЎЗ САФОСИ



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

қўшилиб кетади. Ана шундай Наврўз ўзга байрамлардан юз қатла афзалдир:

*Юзи Наврўзию васли*
*ийдни, Бобур,*
*ғанимат тут,*
*Ки мундин яхши*
*бўлмас бўлса юз*
*Наврўз байрамлар.*

XIX асрда яшаб ижод этган ўзбек шоири ва тарихчи олим Огаҳий Наврўз тасвирини бундай берган:

*Баланд айлаб*
*қуёшға поя Наврўз,*
*Кўтарди ер*
*юзидан соя Наврўз.*

*Келиб файзу*
*нишоту айш бирла*
*Муҳайё қилди*
*элга воя Наврўз.*

*Қилибдур*
*маҳлиқоларнинг*
*юзини*
*Латофат мусҳафиға*
*оя Наврўз.*

Наврўз қуёшни янада юксакроққа кўтарди, шу билан ер юзасини қоплаган сояларни нари кетказди. Жаҳонни бошидан тортиб то пойигача файзу сафо билан тўлдирди. Натижада жаҳон жаннатга ҳам файз бағишловчи гўзалликка эга бўлди.

Бизнинг замонамизда инсоният яратган барча эзгуликлар элу юрт, бутун халқ ихтиёридадир. Халқимизнинг бой маънавияти келтириб чиқарган илғор анъаналар, шу жумладан Наврўз халқнинг гўзал шодиёна айёми бўлиб қолди. Халқ ҳаёти давомида яратилган, халқ турмушига ўрнашиб, унинг таркибий қисмига айланиб кетган байрамлар, маросимлар, удум ва урф-одатлар баркамол инсонни шакллантириш, унинг маънавий дунёсини бойитишда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистонда Наврўзни кенг кўламда умумхалқ байрамига, халқ ҳаётининг узвий бўлагига айлантириш мустақиллигимиз самарасидир. Юртбошимиз ташаббуси ва раҳбарлиги остида бу иш муваффақиятли амалга оширилмоқда. Наврўз байрамида барча меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, туман ва шаҳарларда маданий тадбирлар бўлиб ўтади. Сайиллар, байрам кечалари уюштирилади. Мушоиралар, адабий суҳбатлар, учрашувлар, концертлар ўтказилади. Гуллар, кўчатлар экиш, ободончиликка оид ишлар кенг кўламда авж олади.

Наврўз республикамизда яшовчи барча халқлар учун умумий байрам. У турли миллатлар, элатлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамловчи кўприкдир.

Байрам тадбирлари ҳар ерда ўзига хос тартибда ўтказилади. Уларнинг ягона кўринишларини белгилаб бермоқ мушкул. Энг муҳими, у одамлар қалбида баҳор гўзаллиги инъикосини яратмоғи, кишиларда ҳаёт, табиат ва бир-бирларига меҳр-оқибат, қардошлик туйғуларини тарбияламоғидир.

Эсимда, бир маҳал Тошкент вилоятининг туманларидан бирида Наврўз кунлари ажойиб халқ ижоди намуналари намойиш этилганди. Катта боғ сайилгоҳга айланган. Бир ёнда наботот олами мухлислари ўзлари ўстирган ўсимликлардан кўргазма тузганлар. Унинг ёнида ҳайвонот ва қушлар томошага қўйилган. Маҳаллий ҳунармандлар дастгоҳларда ўз ҳунарларини кўрсатишмоқда. Гир айлана айвондаги пазандалар эса ўзлари уйда тайёрлаган турли ноз-неъматлардан тотмоққа таклиф этишади. Моҳир қўллар тиккан белбоғ, дўппи, рўмолча ва турли-туман каштачилик буюмлари кўзни олади. Улар орасида Алишер Навоийнинг оқ сочиққа тикилган сиврати ҳам бор. Кейинчалик уни тиккан ўқувчи қиз ўз асарини Навоий номли давлат Адабиёт музейига тақдим этди.

Туман бадиий ҳаваскорлари ижросидаги концерт жуда жозибали бўлди. Халқ қўшиқлари, ўйинлари, аллалар, лапарлар, ўланлар еру кўкка таралди. Аёллар ва қизларнинг кўпчилиги қизил рангли кийимда бўлганлиги учун сайилгоҳ улкан лолазорга ўхшаб кетганди. Беихтиёр Собир Абдулланинг қуйидаги мисраларини ўқидим:

***Лолалар кийиб атлас***
***сайр этар бу бўстонда,***
***Боғ учун берур зийнат***
***юрса қадди зебоси.***

Хуллас, Наврўз шарафига уюштирилган ушбу сайил гўзаллик, ижод ва илҳом байрамига айланиб кетди. У ўзбек халқининг бой, мазмундор, жўшқин ижодининг ёрқин намойиши бўлди.

Шундай. Наврўз ижодкорликка ривож беради. Инсон руҳининг энг нозик туйғуларини ҳаракатга келтиради. Ҳар биримизда меҳнат ва ижод шуури, гўзалликка ихлос ва таъзим, покизалик ва нафосатни улуғловчи ҳисларни тарбиялайди. Инсонларга ўз меҳнати самаралари кўнгилдагидек бўлмоғига ишонч пайдо қилади.

Бугун Наврўз оғушида оролланаётган юртимиз гулшанлари гулга тўлсин, гул ҳуснига шайдо булбулларнинг нағмалари оламни тутсин.

Наврўз айёми ҳаммамизга қутлуғ ва муборак бўлсин!

Бир-биримизни байрам билан табриклаб, гуллар тутарканмиз, Алишер Навоий сўзларининг хушнаво жаранги ҳаётимизни тўлдирсин:

***Висол айёми***
***тонг йўқ очса рухсор,***
***Ки доим очилур гул,***
***бўлса Наврўз!***

**Азиз ҚАЮМОВ,**
**академик.**

# ЯПОНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Ф.АРЗИЕВ).*** Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония ташқи ишлар вазирлигининг парламент котиби Исао Мацумия раҳбарлигидаги делегация 18 март куни Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бўлди.

2002 йилда Япония ҳукумати "Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жиҳозларини такомиллаштириш" лойиҳаси асосида мазкур институтга беғараз ёрдам сифатида 440 миллион иен (4 миллион АҚШ доллари) миқдорида грант ажратган эди. Бунинг самараси ўлароқ, институтда CENTEXUZ тўқимачилик маҳсулотларини сертификатлаш ҳамда CAD кийим-кечак ва пойабзал дизайн ва компьютер марказлари фаолият юрита бошлади. Бундан ташқари, қатор кафедралар ва ўқув лабораториялари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Меҳмонлар институт фаолияти билан танишар экан, бу ердаги мавжуд илмий ва амалий имкониятларни юқори баҳолади.

1996 йил мамлакатимизда темир йўл транспортини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати ва Япониянинг ташқи иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ўртасида умумий қиймати 6 миллиард 102 миллион иенга тенг кредит битими имзоланган эди. Мазкур лойиҳа асосида Япониянинг "Марубени" корпорацияси ҳамкорлигида Тошкентда замонавий ускуналар ва технологиялар билан жиҳозланган йўловчи ташиш вагонларини таъмирлаш заводи қурилиб, фойдаланишга топширилганди.

Япониялик меҳмонлар мазкур завод фаолияти билан ҳам танишди.

# «Флора-2004»

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да гуллар, манзарали ўсимликлар ва боғдорчилик соҳаси бўйича "Флора-2004" анъанавий кўргазмаси очилди. Учинчи бор ўтказилаётган ушбу кўргазмада юртимизда фаолият юритаётган "Netafim (A.C.S)LTD" ваколатхонаси, "UzWorldExotic LTD", "Совпластитал", "Агрохим" қўшма корхоналари, илмий марказлар, институтлар билан бир қаторда Беларусс давлатининг "Светотехника" Гомель унитар ишлаб чиқариш корхонаси ҳам иштирок этмоқда. Шунингдек, ўнлаб гулчи-тадбиркорлар ҳам ўзлари етиштираётган табиий гуллар, хризантемалар, экзотик ўсимликлар, кактус ва шу каби ноёб гуллари билан иштирок этмоқдалар.

Кўргазма давомида таникли фоторассом Умида Аҳмедованинг ҳам ижод намуналаридан баҳраманд бўлишингиз мумкин. Умида суратга олган ноёб гуллару, юртимизнинг хушманзара оромгоҳлари, бетакрор табиат манзаралари ҳеч бир томошабинни бефарқ қолдирмаслиги шубҳасиз.

Кўргазмада сўнгги йилларда олимларимизнинг гулчилик, боғдорчилик соҳасида амалга ошираётган изланишлари, гул ва манзарали ўсимликларнинг янги навларини яратиш борасидаги тадқиқотларидан ҳам боҳабар бўлишингиз мумкин.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## 2004 – Меҳр ва мурувват йили

***Яккабоғда 80 ёшли бир отахон ҳар йили боғчаю-мактабларга қўй берармиш...***

***Саховатпеша экан дейсизми? Аммо Худойберди бобонинг саховатпешалиги сал бошқачароқ. Отахоннинг кичкина бир шарти бор. Қўйларни семиртириб, кўпайтириш керак. Бобонинг ўзи буни назорат қилади. Мазкур шартга кўра қўйларни кўпайтирган жамоа келгуси йилда яна иккита қўй олади.***

# Этагига барака илашган отахон

— Қўй хазинанинг ўзи, — дейди Худойберди бобо. — Одамлар барака топсин, бойисин дейман, кейин ҳоҳлаганча сўйиб еяверади-да. Ҳозир кўплар чорвадор бўлиб қолди. Боғчаю, мактабларга ҳам қўйни кўпайтириш шартини бежизга қўймаяпмиз-да. Ўргансин. Сал ҳафсала қилишса, боғча, мактаб бой бўлади. Бировнинг қўлига қарамайди. Керак бўлса ўзим ёрдам бераман, деганман. Бобо сўзида жуда қаттиқ туради. Шартини бажармаганни, ўзи айтганидай, «ўйиндан» чиқаради. Берган қўйига ачинмайди ҳам. Эҳе-ҳе, Худойберди бобо улашган қўйларнинг саноғи йўқ. Ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронлар, касалмандлар... Отахон нафақат ўзи яшаётган Чуброн қишлоғидаги, балки «Ҳисор» ширкат хўжалигида жойлашган қишлоқлардаги аҳолининг аҳволидан ҳам бохабар. Хиёбон қишлоғида яшовчи Тожихол момо Кенжаеванинг кўзлари кўрмай қолган эди. Худойберди бобо 4 та саркани сотиб, пулини момога берди. Ана шу маблағ ҳисобидан у даволанди. Момонинг кўзлари очилди. Ёлғиз қария Қумри момога, 100 ёшни қаршилаган Санам момога биттадан қўй ҳадя этди. Бобонинг яхши бир анъанаси бор. Ҳар йили ўзи ишлаган Раҳмон Мейлиев номли мактабда «Устозларни эъзозлаб» тадбирини ташкил этади.

Унга юзлаб одамлар йиғилади, ош тортилади. Ўша куни боғча, мактаб, кам таъминланган оилаларга қўй-қўзилар топширилади, ғолиблар эълон қилинади. Уларга мукофот сифатида яна қўй улашилади. Бу тадбир 3 йилдан буён ўтказилади. Қанча боғча, мактаб, кам таъминланган оилалар бободан қўй олиб, шартни баъзан эплашади, баъзан эса... Эплаганлардан буванинг кўнгли тоғ бўлади, боладай севинади. Тумандаги «Юлдузча», «Оймомо», «Қалдирғоч-2», «Қалдирғоч-1» болалар боғчалари бободан 8-10 талаб қўй-қўзи олишган.

— Ишонасизми, уйимда битта улоқ ҳам йўқ эди, — дейди ёш хонадон соҳиби Шоймурод Тўраев. — Худойберди praвaнинг ёрдами билан ҳозир 35 бош эчки-улоғим бор. Улар сонини 100 бошга етказмоқчиман. Вованинг ўзи йўл-йўриқ кўрсатиб турибди. Улар сабаб уйимизга барака кирди, меҳнатга ҳам ўрганаяпмиз.

Кам таъминланган оилалардан яна бири Алишер Мингишевлар хонадонига бобо 1 бош сигир, 1 бош сарка ва 8 бош қўй инъом этибди. Бир одамнинг ҳиммати шунча бўлади-да.

Худойберди бобо билимли ёшларни жуда қадрлайди. Шу боисдан ҳам энг аълочи ўқувчилар учун махсус стипендия жорий этган. Стипендияни бобонинг ўзи бориб топширади. Қайсики мактабда озгина нохолисликка йўл қўйилса, бобо томонидан стипендия бекор қилинади.

Ҳа, бобо ана шундай адолатпеша.

Айни кунгача Худойберди Ярашев боғчаю, мактаб, кам таъминланган оилаларга уч миллион сўмликдан ортиқ чорва молларини ҳадя этди.

Кесиб-кесиб гапирадиган, ғайратли бобони кўрсангиз ҳеч 80 ёш бермайсиз. 6-7 километр йўл босиб, қир-адирларда қўй боқади. Унинг бировларнинг дарди, ташвиши учун елиб-югуришини кўриб ҳайратланасиз.

Отахон ҳеч қачон ўзи ҳақида ўйламайди. «Бир бурда нон билан одамнинг қорни тўяди» дейди. Ташвиши қишлоқдаги кўп болали оилаю, ёлғиз қолган қария ёки ота-онасиз ўсаётган бола, ночор яшаётган хонадон. Буванинг 6 фарзанди ҳам унга маслакдош. Сўзидан, йўриғидан чиқмайди. Қишлоқ аҳли пилла қурти боқишда тутдан қийналишганлари-ю, узоқ қишлоқлардан тут барги олиб келиб, катта харажатга тушиб кетаётганларидан бобо эзилди. Меҳнат қилиб, фойда олмаётган қишлоқдошларига раҳми келди. Тутзор барпо қилишга аҳд қилди. Неча километр жойдан тракторга тиркалган цистернада тонг саҳардан то қора кечгача сув келтириб, бобо фарзандлари билан бирга эккан ниҳолларини челаклаб суғорди. Олтмиш беш кун улар тиним нималагини билишмади. Дарвоқе, Чуброн қишлоғи поёнсиз қир-адирликда жойлашган бўлиб, ёз вақтларида бу жойларда бир қултум сув топиш амри-маҳол бўлади. Шу боисдан бирорта дарахт кўкармайди. Лекин ажабланарлиси ана шу яйдоқ чўлнинг ўртасида — Худойберди бобонинг уйи ҳамда у киши ишлаган мактаб атрофи ям-яшил дарахтзор. Бу бобонинг фариштаси борми дейсиз. Қишлоқликлар «Худойберди бованинг этагига барака илашиб юради» дейишади. 4,5 гектар тутзор бугун кўзни яшнатади. Бобо ниятига етди. Қишлоқдагиларнинг мушкулини осон қилди. Саховатпеша бобо яна бир савобнинг этагини тутди. Элнинг орасида юрган одам эмасми, қурилиш материаллари сотиб олишга қурби етмасдан уй-жой қилишда қийналиб қолган оилаларни кўриб эзилди. Сел суви оқиб ўтадиган сойликдан жой танлади. Биринчи йилдаёқ ниҳоллар селсувлари билан суғорилиб, кўкартириб олинди. Бугунги кунда 93 минг дона терак гуркираб ривожланмоқда. Теракларнинг олди иморатбоп бўлиб қолган. Насиб бўлса, бу тераксор хўжаликка миллионлаб фойда келтиради. Энг муҳими, бобонинг қишлоқдошлари уй-жой қилиш учун қурилиш ашёларини излаб сарсон бўлишмайди.

— Пенсияда бўлсам ҳам вақтим камлик қилаяпти. Кўп ишларга улгура олмяпман, — дейди Худойберди бобо.

Ҳа, отахонни ҳеч бемалол ўтирганини кўрмайсиз, уйидан тополмайсиз. Гоҳ қир-адирда, гоҳ тераксору тутзорда, боғчаю, мактабда, ночор хонадонларда... Қилар иши, борар жойи кўп. «Одамларга ёрдаминг тегаётганини билсанг, умринг беҳуда ўтмаётганига ишонасан, — дейди отахон. — Одамдан бу дунёда фақат яхшилик қолади, болам. Қўлингиздан келса одамларга яхшилик, фақат яхшилик қилинг!»

**Санобар БОЙМУРОДОВА.**
**Қашқадарё.**

*«Навоийазот» акционерлик жамиятининг соғломлаштириш маркази жамоаси ишчи ва хизматчилар соғлигини тиклаш, уларнинг кўнгилли дам олишида намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Бу ерда ҳар ойда 170 нафар ишчи-хизматчи дам олиб шифо топяпти. Марказда, асосан, нафас йўли хасталиги, гинекологик, ошқозон-ичак каби касалликларга чалинган беморлар даволанади. Шунингдек, Сурхондарё туз конидан келтирилаётган, таркибида 98 фоиз натрий хлор бўлган туз тошлари ёрдамида муолажа қилиш ҳам ижобий натижа бермоқда.*

*Наврўзда марказ жамоасини ҳам хайрли тадбирларга чорлади. Айни вақтда бу ерда ободонлаштириш, кўчат ўтқазиш ишлари олиб борилмоқда. Шифо маскани аҳли бу йилги мавсумда беш минг туп атиргул, беш юз туп сосна ва нина баргли дарахт экди. Зеро, ободлик, яхшилик нафақат беморларнинг, балки соғлом кишининг-да кўнглини кўтаради, кайфиятини яхшилайди ва улуғ ишлар сари илҳомлантиради.*



**СУРАТДА: ободонлаштириш ишлари пайти.**

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

## *Назорат*

*Чинозлик сохта тадбиркор М. Абдуллаевнинг фаслга қараб ўзини у ёқ- бу ёққа урадиган одати бор. Қишли-қировли кунлар ортда қолиб, илиқ-иссиқ бошланиши билан кўнгли салқин ичимликлар тайёрлаб сотишни тусаб қолди. 0,33 литр сиғимли шишаларга бўлар-бўлмас суюқликларни тўлдириб, устига "Малина", "Апельсин", "Фанта" ёрлиқларини елимлаб, бирин-кетин сотувга чиқара бошлади. Тушум чакки эмас. Биров мушугини пишт демаяпти. Шундан кейин салқин ичимликлар тайёрлашни яна ҳам кучайтирди.*

# Қизил чироқ

## тартиб-қоидани бузсангиз, рўпарангизда ёниб тураверади

Туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари Д. Укинбоев ва Ж. Ҳошимов томонидан тезкор текширув ўтказилган куни М. Абдуллаевнинг хонадонида 3 турдаги 176 шиша тайёр маҳсулот харидорларни кутиб турарди. Турли хил қопқоқлар ва ёрлиқлар яшикларда уюлиб ётарди. Сири очилган сохта тадбиркор оёғи куйган товуқдек ўзини ҳар томонга уриб кўрди. Турли хил важ-корсонларни қалаштириб ташлади. Қўлбола ичимликлари инсон саломатлигига хавф солаётганини эса бўйнига олгиси келмади.

Бундай кўнгилсиз ҳолатлар, афсуски, бошқа вилоятларда ҳам учраб турибди.

Журак қишлоғида истиқомат қилувчи Иброҳим Бозоровнинг хонадонида яширинча салқин ичимликлар цехи ташкил этилганини биринчи бўлиб участка солиқ инпектори У. Юсупов пайқади ва дарҳол бу ҳақда Олтиариқ туман давлат солиқ инпекциясига маълум қилди. Инспекция ходимларидан иборат олти кишилик тезкор гуруҳ зудлик билан Журак қишлоғи томон жўнаб кетди.

Берилган маълумот тўғри экан. Ноқонуний хатти-ҳаракатлар билан кўпчилик ўртасида отнинг қашқасидек маълум бўлган Иброҳим ўз хонадонида салқин ичимликлар цехи очиб, уларнинг тўрт турини тайёрлаб сотишга киришган эди. Цех ҳеч қаерда рўйхатга олинмаган, унинг эгаси ичимликларнинг истеъмолга яроқлилигини тасдиқловчи ҳужжатларга эга эмасди. Шу боис ноқонуний цех фаолиятига дарҳол чек қўйилди. Сотувга тайёрлаб қўйилган 150 шиша салқин ичимлик, 234 дона бўш шиша, 1420 дона ёрлиқ, 1400 та қопқоқ, 6 литр шарбат, тўрт хил ранг берувчи суюқлик, турли хил мослама далилий ашё сифатида олинди. Уларни пулга чақсангиз, 170 минг сўмдан кам бўлмайди. Сохта тадбиркорнинг шунча харажати сувга оқиб кетди.

Ҳамза шаҳарчасида истиқомат қилувчи Танзила Нурматованинг бошига ҳам шу кун тушди. У ноқонуний равишда уйида спиртли ичимликлар тайёрлаб сотишни касб қилиб олган экан. Буни участка солиқ инспектори Д. Рустамов пайқаб, Олтиариқ тумани давлат солиқ инспекциясини хабардор қилди. Инспекция ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор текширувда ясама арақ тайёрлашда фойдаланиладиган махсус идишлар, 35 литр ярим тайёр маҳсулотлар, турли хил воситалар далилий ашё сифатида рўйхатга олинди.

Бундайларни кўриб ҳайрон бўласан киши. Ҳар учала тадбиркор ҳам ёш эмас — элликдан ошиб олтмишга қараб кетаяпти. Бўй етган тўрт нафардан фарзанди бор. Уй шароитида ичимлик тайёрлаш тақиқланганини яхши билишади. Бу ҳақда ҳар куни телевидениеда кўрсатилаяпти, радиода гапирилаяпти, газеталарда ёзилаяпти. Шунга қарамай, бу гаплар уларнинг у қулоғидан кириб бу қулоғидан чиқиб кетаётган экан. Ноқонуний иш бугун бўлмаса эртага ошкор бўлиб, эл-юрт олдида изза бўлишлари турган ғап-ку. Яширинча топилган даромад ўзларининг ва фарзандларининг баданига сингармикин ёки бирор дардга дучор қилармикин?

Денов тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари яқинда "Гулистон" кўчасида қисқа муддатли текширув ўтказишганида тижоратчи Х. Файзуллаев, 1000 қути акциз маркасисиз "PINE" сигареталарининг ҳар қутисини фуқаро Ж. Солиевга 330 сўмдан, жами 330 минг сўмга ва 100 дона хўжалик совунини 150 сўмдан, жами 15 минг сўмга сотаётган пайтида савдоси синди.

"Х. Файзуллаев ноқонуний сигареталар ва совунларни қаердан олаяпти?" деган саволга жавоб топиш учун солиқчилар унинг уйини ҳам кўздан кечиришди. Шунда устама нархларда сотиш учун яна 678 қути акциз маркасисиз "PINE" сигареталари ғамлаб қўйилгани маълум бўлди. Бу сигареталар қўшни республикалардан яширинча олиб келинган экан. Шу куни жами 1678 қути тамаки маҳсулоти далилий ашё сифатида олинди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши очилди.

Жиноят иши учқўрғонлик Ш. Ахматовга нисбатан ҳам қўзғатилди. У ўзига тегишли "Дамас" русумли давлат рақами 16К 9160 бўлган автоуловда ҳужжатсиз ва рухсатсиз аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатаётган пайтида қўлга тушган эди. Суриштирув давомида у 2003 йилнинг 13 сентябрида ҳам солиқчилар қўлига тушиб маъмурий жарима билан қутулиб кетгани маълум бўлди. Бир йилда такрорий ҳуқуқбузарликка йўл қўйгани учун Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатишга тўғри келди.

Уйчилик Т. Акбаров "Дамас" машинасида кўпдан бери киракашлик билан шуғулланиб келарди. Одатда бундай хизмат тури билан шуғулланиш учун ҳайдовчи ўзи истиқомат қиладиган туман ёки шаҳар ҳокимлигида, солиқ идорасида тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиши, махсус лицензияга эга бўлиши керак. Лекин Т. Акбаров амалдаги қонун-қоидаларга бўйсунмай одам ташиб пул ишлашда давом этаверди. Пировардида 2003 йил 3 майда маъмурий жаримага тортилди. Бир йилда такрорий ҳуқуқбузарликка йўл қўйилгани учун бу сафар унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Чортоқ туманида истиқомат қилувчи Ф. Бурҳоновнинг қисмати ҳам шундай бўлди.

Ўз автоуловида аҳоли оғирини енгил қилиш савоб иш. Бундай хизмат турини қонуний амалга ошириш учун барча шароитлар яратиб қўйилган. Киракашлар ўз фаолиятини қонунийлаштириб олишдан эринишмаса, бас, улар учун барча йўллар очиқ. Лекин солиқ тўлашни хаёлига келтирмай даромад топаётган шахслар учун жазо муқаррар. Буни унутмаслигимиз керак. Акс ҳолда, ҳуқуқбузарларнинг рўпрасида ҳамиша қизил чироқ ёниб тураверади.

**Жасур НОСИРОВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати бош мутахассиси.**







**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ**

**22 март 2004 йил**



**2004 йилда фойдаланишга топшириладиган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини замонавий мебеллар билан таъминлаш учун тендер савдоларида сотиб олинадиган**



# МЕБЕЛЛАР КЎРГАЗМАСИНИ

**ТАШКИЛ ЭТАДИ.**





**Кўргазма ўтказиш манзили: Тошкент ш., Сирғали тумани, «Прикарпат-ская» к., 44-уй. Телефон: 58-46-35.**



*Кўргазма ва тендер савдоларида ўз маҳсулотлари билан қатнашиш истагини билдирган корхона, ташкилот ва фирмалар раҳбарлари тижорат таклифларини қуйидаги манзилга юборишлари мумкин:*

**Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 55-уй.**
**Телефонлар: 139-43-86, 139-12-60, 139-19-90, факс: 139-16-48.**



*Сирғали политехника касб-ҳунар коллежи кўргазмалар залида жойлар пуллик бўлганлиги муносабати билан ҳисоб-тўлов варақаларини юқоридаги манзилдан олишингизни сўраймиз.*

***Эслатма: кўргазма ўз ишини 2004 йил 22 март куни бошлайди.***



## *Пулларни қўриқламай, уйда қандай сақлаш мумкин?*

Пулларни уйда хотиржам сақлаш учун уларни American Express чекларига конвертациялаш кифоя.

Сизнинг имзоингиз қўйилган чекдан фақат ўзингиз фойдаланишингиз мумкин.

Йўқотиб ёки ўғирлатиб қўйсангиз, сизнинг чекларингиз эмитент томонидан тикланиши (одатда 24 соат мобайнида) мумкин.

American Express — халқаро молия корпорациясидир.

У 150 йилдан ортиқ вақтдан буён мавжуд бўлиб, ҳар бир чекни ва ҳар йили муомалада бўладиган 300 миллион чекни таъминлайди.

Одамлар узоқ вақт мобайнида пулларини уйда ёки саёҳат пайтида сақлаш учун American Express йўл чекларидан фойдаланадилар.

American Express чекларида пулларни сақлаш қулай.

Улар бутун дунёдаги миллионлаб молия ва кредит муассасаларида қабул қилинади.

***Ўзбекистондан ташқарига йўл чекларини олиб чиқиб кетиш чекланмаган.***

Турли номиналдаги American Express йўл чекларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг энг яқиндаги бўлимидан харид қилиш мумкин.

**Диққат! Америка экспресснинг янги чеклари воситачилик ҳақисиз сотилмоқда.**



**American Express чеклари — ўзингизнинг нақд пулларингиздир.**
**www.amex.ru**

NBU

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

**Қўшимча маълумотлар учун «Ўзмиллийбанк»нинг исталган бўлим/филиалига мурожаат қилинг.**
**Мулоқот учун телефонлар: 135-40-60, 134-12-09. www.nbu.com**
**Тиклаш хизмати телефони: (095) 956-08-29.**

*Халқимиз муқаддас ва мўътабар неъмат — нон шаънига жуда кўп қўшиқлар, ривоятлар тўқиган.*

*Бизда нонни қадрлашни, увоғини ҳам увол қилмасликни болаликдан ўргатишади. Ҳамма эзгу ишлар нон билан бошланади. Меҳмон келганда дастурхонга биринчи бўлиб нон келтирилади. Меҳмон ҳам биринчи бўлиб нонга қўл узатади (Масалан, Хоразм томонларда нонни меҳмоннинг ўзи ушатиши лозим, бунга нон ва меҳмонга ҳурмат рамзи сифатида қаралади). Икки ёш никоҳ тўйи олдидан «Нон ушатиш» удуми ўтказилади. Гўдакларнинг ёстиғи тагига «Ризқли, қадами қутлуғ — нондай улуғ бўлсин, нон — ҳамроҳ», деб бир жуфт нон қўйишади. Уруш даврида жангга, эндиликда ҳарбий хизмата отланаётган йигитларимизга нон тишлатилади, ноннинг қолган қисми уйда умид рамзи сифатида сақланади.*

# Нонни эъзозлайлик

Ноёб металлар орасида олтин қадрли ҳисобланса, ноннинг қадри олтиндан минг чандон баланддир. Зеро, тарихий маълумотлар шаҳодатича, буғдой, гуруч, арпа каби донлар бир вақтлар бирор нарсани сотиб олишда олтиндан аъло тўлов вазифасини ўтаган. Ўрта асрларда юртимизда буғдой ва гуручнинг маълум қадоқланган миқдори ёки махсус катталикда ёпилган нон пул вазифасини ўтаган. Бу одатлар аллақачон йўқолиб кетган бўлса-да, тилимизда «Оши ҳалол», «Нон топиш» иборалари ҳанузгача сақланиб қолган. Масалан, «Бу бола нонини топиб ейдиган бўлиб қолди» деган ибора боланинг вояга етганини, қўлидан бирор иш келиб қолганини англатади. «Нони доим бутун» ибораси кишининг ҳунар эгаси эканини билдиради.

Нонни ўртага қўйиб қариндош-уруғчилик алоқаларини мустаҳкамлаш, дўстлик, ошна-оғайничилик, жўрачилик ўрнатиш каби одатларимиз жуда қадимий. «Нондек азиз бўлгин» каби иборалар, маталлар, мақоллар борки, булар ноннинг муқаддас, қимматли, азиз неъмат эканлигидан келиб чиққан.

Ризқ-рўзимиз бўлган нон аслида пешона тери тўкилган меҳнат маҳсули. Нонга ҳурмат — меҳнатга ҳурмат!

Тандирдан узилган бўрсилдоқ нон еб, ҳузурланиб ўтирган улфатлардан бири сўз очди: «Нон қандай пайдо бўлди?»

— Нон дондан пайдо бўлди, — деди иккинчиси.

— Нон ердан пайдо бўлди, — деди учинчиси.

— Нон сувдан пайдо бўлди, — деди тўртинчиси.

— Нон Қуёшдан пайдо бўлди, — деди бешинчиси.

— Нон новвой меҳнати маҳсули, — деди олтинчиси.

Бу баҳсга еттинчи улфат шундай якун ясади:

— Ҳаммангизнинг гапингиз тўғри. Нон ерда ўсади, суғорилади, қуёшдан нур эмади, новвой меҳнати билан дастурхонга келади. Аммо бу Аллоҳнинг инсонга берган азиз неъмати. Нон инсон меҳнати орқали бунёд бўлади. Инсон меҳнати — унинг билими, тажрибаси, дон, сув, ер, қуёш нурлари мужассамлашувидан пайдо бўлади. Нонни яратишда кетмончи, ўроқчи деҳқон, тегирмончи ва новвойнинг ҳиссаси катта. Нонни қадрламаслик ана шу кишилар — меҳнаткаш инсон заҳматини қадрламасликдир. Ҳайвонлар увол нималигини билмайди, улар ризқини табиатдан шундайлигича олади, шу боис улар исрофгар бўлади. Инсон эса ўз ризқини оғир меҳнат орқали топиб ейди. Шу боис нон ва унинг ушоғини увол қилмаслик унга хос хислатдир. Афсуски...

Нон исрофгарчилиги ҳаётимизда бор гап. Бу муаммо нонга дахлдор бўлган ҳамма-ҳаммага алоқадор. Фақат истеъмолчилар эмас, уни пиширувчилар, айниқса, нон заводлари ходимлари анча-мунча нонни исроф қиладилар: пиширишда қоидаларга риоя қилинмайди, масаллиқлар меъёрида солинмайди ва ҳоказо.

Нонни тежаш, исрофгарчиликка йўл қўймасликни уни кам истеъмол қилиш зарур, деган маънода тушунмаслик керак. Ҳозир ҳар биримиз кунига ўрта ҳисобда 400-500 грамм нон еймиз. Шундан ҳисоб қилсак, бир ойда 12-15 кг., бир йилда 145-160 кг. нон истеъмол қиламиз. Кейинги йилларда халқимизнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи нон қаторида бошқа тўйимли ноз-неъмат билан қондирилаётгани ҳам қувончлидир. Айтайлик, ҳар бир кг. нон етиштириш учун тўрт квадрат метр ер майдони зарурлигини инобатга олсак, ҳар биримизга бир йилда фақат нон ейишимиз учун ярим гектардан ортиқроқ майдон керак бўлади. Маълумотларга кўра, ҳозир республикамизда ўрта ҳисобда кунига 9-10 минг тонна, Тошкент шаҳрида эса 400-500 тонна нон ёпилар экан.

Нон исрофгарчилигининг турли сабаблари бор: аввало, ҳар ким ўз эҳтиёжига кўра бир кунда қанча нон ейиш кераклигини, хусусан, илмий жиҳатдан физиологик талабга қараб, касал-соғ, ишчи-хизматчи, меҳнат қилувчи ва дам олувчи, эркак ва аёл, ёш-кекса қанча нон ейишини билмайди. Нон истеъмолида «манманлик» ҳам исрофгарчиликка йўл очади: меҳмондорчиликда, тўй-ҳашамларда, байрам дастурхонларида нон кўп сарф қилинади. Кузда сочилган донни ёзда ўриб-йиғиб, то дастурхонга нон қилиб келтиргунча кетган меҳнат ва маблағни бир ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, битта патир нон учун тилло баробар меҳнат ва маблағ сарфланганидан огоҳ бўламиз. Биз эса суви қочган нонни оғзимизга олмаймиз, бепарволик билан нонни моғорлатамиз, ножоиз жойларга ташлаймиз. Нон қадри ҳақида ўйлаб кўрмаймиз!

Бу исрофгарчиликни заводлар эмас, одамлар қилаётирлар, деб ўйласак



ёки шунча миқдордаги нонни шаҳардаги 2,5 миллион кишига тақсимласак, ҳар бир одам кунига ўттиз грамм нонни чиқитга чиқараётгани маълум бўлади. Юзаки қараганда, ўттиз грамм нон ҳеч нарса эмасдек туюлади. Лекин бу рақамларни манманлик, бойваччалик кайфияти билан эмас, инсоний-иқтисодий тежамкорлик нуқтаи-назаридан баҳоласак, мутлақо ўзга манзара ҳосил бўлади. Чунончи, ҳар биримиз кунига ўттиз граммдан нонни исроф қилаётган бўлсак, бу рақам бир ойда 900-1000 граммни, бир йилда 8-9 килограммни ташкил этади. Агар ана шу исроф бўлаётган 8-9 кг. нонни 2,5-3 миллион кишига кўпайтирсак, у ҳолда ҳар йили Тошкентнинг ўзида 15-16 минг тонна нонни исроф қилаётган бўламиз. Энди бир килограмм нон етиштириш учун тўрт квадрат метр майдон зарур бўлса, шу майдонни исроф бўлаётган нонга кўпайтирсак, у 6 минг гектардан ошади. Зеро, ҳар йили Тошкентнинг ўзида исроф бўлаётган нон шунча экин майдонига сарфланадиган меҳнат ва маблағнинг, вақтнинг беҳуда совурилишига сабаб бўлаётган экан.

Нон исрофгарчилиги ҳақида гап кетганда, ноннинг шакли-шамойилидан тортиб, нон пиширишгача бўлган жараёнлар, нон турлари, тандирлар, новвойхоналар билан боғлиқ удумларнинг унутилиб бораётганини айтмоқ лозим. Нон бозорида хорижлик сайёҳ қуёш шаклидаги ширмойи нонни айлантириб кўриб, ўзича завқланади ва ажиб бир юзи очиқлик билан сўрайди: «Нечук нонларингиз доира шаклида, батон, калач ёки буханкага ўхшамайди?» Сотувчи елкасини қисиб жавоб беради: «Қўлда шундай ясаганмиз, тандирга ёпганмиз, шундай пишган-да». Баъзи мутахассислар ноннинг доира шаклида бўлишини у тақсимча, лаган вазифасини бажариши — устига палов, қандқурс, мева, кабоб қўйиб дастурхонга тортилишини, шунингдек, ўртаси юпқа, четлари қалинлиги эса хамирдан безак солиниши — турли хатлар битилиши, деворга осиб қўйилиши учундир, деб изоҳлайдилар. Аслида ноннинг доира шакли мазмуни бундан чуқурроқдир: қадим шумерликлар ёзувида «РА» белгиси бўлиб, «Қуёш» маъносини англатади. Кейинчалик бу белги мисрликлар эътиқодига кўчган. Энди тандирда нон ёпишни қадим мисрликлар кашф этганига эътибор қаратсак, нон нима учун кўпроқ Шарқ халқларида доира-қуёш шаклида эканини англаймиз. Қадим-қадимдан ўзбекча нонларнинг ҳамма турлари доира-қуёш шаклидадир.

Қуёш билан нонни бир белги рамзида ифодалаш — ҳар иккиси ҳаётнинг асосий омили эканлигидадир. Қуёш бўлмаса, нон етиштириш қийин, нон бўлмаса, ҳаёт кечириш қийин. Зоғора ва гижда нонларнинг ўртасига чакич урилиши, патир нонларнинг юзига қуюқ чакич урилиши — қуёш жимирлашининг рамзий ифодасидир. Ширмой ҳамда лочира нонларнинг четларини пичоқда кесиб, парраксимон ясаш ҳам қуёшдан нур таралаётганининг тимсолидир.

Ўзбекларда ҳозир ноннинг элликдан ошиқ тури бор. Қадимда кўчманчи ўзбеклар ҳаётига кўғурмоч, кўмач, қотирма, човати доимий ҳамроҳ эди. Тариқ, маккажўхори, оқ жўхори, арпа унидан тайёрланган зоғора нонлар очарчилик йилларнинг лаззатли таоми эди. Кейинчалик жиззали зоғора, ошқовоқли зоғора, пиёзли зоғоралар кашф этилди... Юзига кунжут ва седана сепилган Бухоро нонлари нафис, хушбўй, чайнамли, шифобахшлиги билан ажралиб турган. Самарқанднинг «Галаосиё» маҳалласидан бошқа ерда тайёрлаб бўлмайди, дейилган афсонавий «Нони осиёйи»нинг бир бурдасини майиз ё қовурма нўхат ёки ёнғоқ мағзи билан еб олган киши кун бўйи тўқ юрган. Кексаларнинг айтишича, Самарқанднинг ўзида ноннинг ўттиздан ортиқ тури бўлган: қўшалоқ кулча, нони тафтои дубез, нони тароқи, нони осиёйи, нони пулодий, нони жаззин, кулчаи ругонин, нони оби жимжима, нони хамак, нони кулободи, нони забони чов, ширмойли седана пайванд, обои холи «олча гули», савғати нақшин... Эндиликда бу хил нон турларидан фақат учтаси — Осиё Пулодий, Совғатий нақшинлари сақланиб қолган.

Юзига чакич урмай қўлда чимчилаб нақш солинган нон, юзига седана ва кунжут сепилган нон, ликопча шаклидаги лочира — Тошкент нонлари гўзаллигининг ўзи бир олам. Очарчилик йилларида нонларнинг юзига кўпроқ кунжут сепилган. Кунжутли нон тўқ тутган. Тўқчилик йилларида седанали нон ейилган. Негаки, седанали нонлар ҳазми таомдир.

Фарғонанинг ширмой нонлари, хамир орасига сариёғ ёки қаймоқ суркалган Қашқадарёнинг қатлама патирлари, Хоразмнинг кенг бағрига ўхшаган катта-катта чурек нонларининг таърифтавсифини сўз билан ифодалаш қийин! Бизда шифобахш нонлар турининг ўзи ўттиздан ортиқ. Айниқса, ширмой патир, ширмой кулча, пайванд, оби солу олча гули, қўшалоқ, ширмой, унга кепак аралаштириб тайёрланадиган буғдой, арпа тариқ нонлари халқ табобатида ном қозонган нонлардир! Ўзбек пазандачилигида сутга қорилган, гўштқийма, думба, сариёғ дурдаси, янчилган ёнғоқ, майиз, турли кўкатлар қўшиб ёпилган нонлар ҳам бор!

Қизиғи шундаки, ўзбек нонлари қадим даврлардан ҳозиргача лой тандирда ёпилиб келинади. Лой тандирлар (ер тандир, келинчак тандир, девор тандир, осмон тандир ва бошқалар)-да сир-синоат кўп. Табобатчиларнинг айтишича, тандирда қизариб пишган нон шифобахш хусусиятга эга. Негаки, нон тандир деворларида тўпланган иссиқлик ва чўғдан таралган инфрақизил нурларнинг тафтида пишади.

Сўнгги йилларда бизда тандирлар, новвойхоналар ва новвойлар кўпайиши ўрнига танқислашув сезилмоқда. Тандирий нонларга эса эҳтиёж катта. Зеро, тўйҳашамларда ва маросимларда тандирда пишган нонларни дастурхонга қўйиш қадим-қадимдан расм бўлиб келаётган анъана! Тошкентда эрталабки ошга борганимизда биринчи иссиқ нонга қўл узатамиз. Тўй ташвишларидан энг асосийси — нон! Ўзбек халқи тўйинса тўй қилади, дастурхон кўрки учун новвой танлашга тушади.

Нон маҳсулотларига нисбатан ҳозирги талаблардан келиб чиқсак, жойларда Туркия, Чехия, Олмониядан келтирилаётган мўъжаз нон жиҳозлари кўплаб ўрнатилган. Булар катта маблағ ҳисобига келтирилган. Ўзимизнинг анъанавий тандирларимизга ҳам маблағ сарфласак тўғри бўлар. Электр қуввати ва газлашган жойларда бу тандирларни таъмирлаб, ўтин ва кўмирсиз ишлатилса айни муддао.

Новвойхоналарнинг нони эса доимий, кун бўйи иссиқ туради. Кекса ота-онамизни, фарзандларимизни саҳарлаб тандирда ёпилган иссиққина бўрсилдоқ нон билан сийласак, меҳримиз ифодаси эмасми?! Маҳаллаларда новвойхоналар кеча-кундуз ишлаб турса, қадриятларимиздан яна бири ўрнини топган бўларди. Ўз қадримизни ўзимиз билмасак, ўзгалар қаёқдан билсин?!

Республикамизда иқтисодий ислоҳотлар олиб борилаётган бир пайтда ўзимизда ақл-заковат билан яратилган илм-ҳунарларимизни ишга солиш, минг йиллик тажриба ва синовлардан фойдаланиш катта иқтисодий ва ижтимоий аҳамият касб этади. Айниқса, пазандачилик ва новвойликда халқимиз олдига тушадигани кам топилса керак. Нон қадри, лой тандир муаммосини кўпчиликка ҳавола этар эканмиз, мақсадимиз яхши ниятдир. Ахир хорижлик сайёҳларнинг бозорларга тушиб бирбиридан чиройли, мазали тандир нонларимизга ишқибозлигини кўриб, билиб турибмиз-ку! Президентимиз Ўзбекистоннинг миллий мустақил ривожланиш масалаларига тўхталиб, хориждан тайёр асбоб-ускуналар олиб келиш, технологик жараёнларни келтириш билан чекланмай, ўзимиздаги маҳсулотни қайта ишлаш, ақлзаковат билан эришилган технологик жараёнлар билан ўзимизни жаҳон бозорига чиқишимизни доимо таъкидлаб келадилар-ку.

Нон — инсониятнинг улуғ кашфиёти. Жаҳонда нон каби асраб-эъзозланадиган неъмат йўқ! Ахир бўрсилдоққина пишган буғдой нон синдириб ейилаётганда, мана шу неъмат ҳам инсоният донолигининг буюк кашфиётларидан бири бўлганлиги, Аллоҳнинг бандаларига ризқ қилиб берган буюк неъмати эканлиги ҳамманинг ҳам ёдига келавермайди.

**Тўрабек НУРАЛИЕВ,**
**Тошкент шаҳридаги «Дон-нон» корхонаси раҳбари.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли "Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ,

Ўзбекистон Республикаси мол-хомашё биржаси

2004 йилнинг 17 мартидан бошлаб

ШИРКАТ, ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ЭҲТИЁЖИ УЧУН УЛГУРЖИ ХАРИД ҚИЛУВЧИ КОРХОНАЛАРГА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР

биржа савдолари ўтказилишини эълон қилади.

Савдолар республика биринчи электрон биржа тизими орқали ҳар куни соат 11.00дан 14.00гача ва 15.00дан 19.00гача ўтказилади.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси 53-уй, Республика мол-хомашё биржаси ёки унинг вилоят марказларига мурожаат қилиш мумкин.

Маълумот учун телефон: 139-83-77.

ЎЗБЕК ХАЛҚАРО БАНКИ
«ЎЗПРИВАТБАНК»
сиз, азиз ватандошларни гўзал баҳорий айём — Наврўз билан самимий табриклайди.
Ишларингизда улкан зафарлар, оилавий бахт, соғлик тилайди.
Баҳорий кайфият ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

# Биржаларга — ҳамкор, банкларга — ёрдамчи

*Бугунги кунда Ўзбекистон банклар ассоциациясининг Универсал биржа маркази бозорда ўзининг мустаҳкам ўрнини топиб, банклар ва тадбиркорларнинг яқин ёрдамчисига айланди. Марказнинг Бош директори вазифасини бажарувчи Р. ИСМОИЛОВ билан суҳбатимиз унинг ҳаракат кўлами, бозор муносабатлари шароитида қандай иш олиб бораётгани хусусида бўлди.*

**— Рашид Атоевич, аввало, Ўзбекистон Банклар ассоциациясининг Универсал биржа маркази фаолият доираси ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Биржа марказимиз 2003 йил январь ойида тижорат банкларининг илтимосига биноан, олинган кредитларни қоплаш учун мулк, транспорт, қимматли қоғозлар, хомашё ресурслари ва бошқа объектларни сотиш бўйича савдони уюштириш ҳамда тижорат операцияларини ўтказишда кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган.

Биласизми, фаол операциялар давомида тижорат банклари кредитларни қайтариш учун турли хил мулкларни сотувга қўяди. Булар мулк эгалиги ҳуқуқи банк мижозига тегишли бўлган бино, иншоот, транспорт ва бошқа объектлар бўлиши мумкин.

Амалда шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, банклар баъзан берилган кредитларни қоплаш мақсадида олган объектларни малака, тажриба йўқлигидан сота олмаган. Оқибатда ушбу объектлар уларнинг фойда келтирмайдиган активларига айланган. Эндиликда ўша мулкларни сотиш билан бизнинг биржа марказимиз шуғулланмоқда. Бошқача айтганда, биржа фаолияти банкларга кредит учун гаровга қўйилган мулкни сотишга объектларга жалб этилган банк айланма маблағини тиклашга йўналтирилгандир.

**— Айтишларича, биржа марказининг фаолияти бирданига жадал юришиб кетмаган экан...**

— Ташкилий босқич бироз чўзилиб кетди. Биз фақат биржа фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини олганимиздан кейин, яъни 2003 йил август ойидан иш бошладик. Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтгач, олдимизда ихтисослашган кадрларни танлаш, бозор секторидаги ишларни ўрганиш ва таҳлил этиш, шунингдек, тижорат банклари кредитларни қоплаш ҳисобига олган мулкларнинг таркиби ҳамда сифатини кўриб чиқишдек муҳим вазифалар турарди. Шу боис жорий вақт режимида ишлайдиган биржа савдосининг электрон тизими яратилди. Бу биржа аъзоси брокерга унинг қаерда туришидан қатъи назар, биржа савдоларида иштирок этиш имконини берди.

Бугунги кунда марказимиз республика бозорида энг ёш ташкилот саналади. Шунга қарамай, бор-йўғи 6 ой давомида марказ томонидан 12,2 миллиард сўмлик 1030 та объект биржа савдосига қўйилди. Шундан 3,1 миллиард сўмлик 618 та объект сотилди. Уларнинг ярми банк объектларидир.

**— Биржа маркази ўз ишида асосий эътиборни кўчмас мулк олди-сотдисига қаратса-да, унинг фаолият доираси анча кенг. Шундай эмасми?**

— Шунинг учун ҳам у универсал марказ деб аталади. Биринчидан, барча банклар учун ассоциация таъсисчилари ташкил этилган. Иккинчидан, сотувга қўйиладиган мулк объектлари жуда хилма-хил. Унда бино, иншоотдан тортиб хомашё ресурсларигача бор. Ҳатто кредитларни қоплаш учун қўйилган қимматли қоғозлар ҳам мавжуд. Шу боис ана шу мулкларни сотиш билан шуғулланишда биржа марказининг ва универсал бўлиши талаб қилинади.

Кўчмас мулк олди-сотдиси механизми тўғри йўлга қўйилган бўлиб, у узлуксиз ишлаб турибди. Одатда биржада кўчмас мулк ва мулкка оид талаб ҳамда таклифга эътибор берилиб, шу тарзда биржа курси шаклланади. Биржа савдоси деярли ҳар доим муваффақиятли ўтади. Бу бежиз эмас, албатта. Савдо сессиясига барча ҳужжатлар ўз вақтида тайёрланади. Брокер-сотувчи ва брокер-харидорга бу ҳужжатлар белгиланган муддатда берилади. Биржа марказида мутахассисларнинг иш сифати доимо юқори бўлади. Улар биржадаги маблағ айланмаси бир савдо сессиясидан иккинчисига қадар ошиб бориши учун барча чораларни кўрадилар.

Банкларнинг муайян эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда бу йил биржада жамғарма бўлимини очишни ҳам режалаштирганмиз. Жамғарма майдонининг ташкил этилиши, аввало, қимматли қоғозлар операцияси бўйича тижорат банкларига хизмат кўрсатиш, шунингдек, кредит учун кафолат сифатида қўйилган қимматли қоғозларни сотиш имконини беради. Айни пайтда у қимматли қоғозларни бозорда мижознинг топшириғи бўйича ва мижоз ҳисобидан харид қилади ҳамда сотади. Фикримча, янги хизмат кўрсатиш бўлимининг ташкил этилиши орқали биржа марказимизнинг талабчанлиги янада ошади.

**— Кредитга кафолат сифатида қўйилган мулкни сотиш ва кредит ресурсларини тиклаш жараёни қандай кечмоқда?**

— Ўтган йил октябрь ойида, масалан, Миллий банкнинг шаҳар бўлими орқали 75 миллион сўм миқдорида баҳоланган «Металлопласт» МЧЖга тегишли бино ва мулк сотилган эди. Кейинчалик биз «Тадбиркорбанк», «Алоқабанк» ва «Заминбанк»нинг Бухоро филиаллари ва бошқалар томонидан савдога тақдим этилган бир неча объектларни, шу жумладан, бино ва хонадонларни ҳам сотдик. Ноябрь ойида эса 2-Тошкент уй-жой қурилиши комбинатининг 286 миллион сўмлик, шунингдек, КПД-2 га қарашли 515 миллион сўмлик бино ва иншоотларни сотишга муваффақ бўлдик.

**— Биржа марказидаги иш, ҳойнаҳой, кўп жиҳатдан брокерлар маҳоратига ва брокерлар идораси тармоғига боғлиқ бўлса керак...**

— Улар, аввало, етарли маблағга эга сотувчи ва харидорларнинг бир-бирларини топишига кўмаклашади. Аҳоли, тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчилар билан алоқа боғлайди. Умуман, биржада бирор битим тузилиши учун ҳамма чораларни кўради. 2004 йилги тадбирларда биз брокерларнинг малакасини оширишга, уларни аттестациядан ўтказишни назорат қилишга ва янги брокерлик идораси очишга алоҳида эътибор бердик.

**— Банклар ходимлари биржа марказининг фаолияти ҳақида қандай фикрдалар?**

— Иш юритиш яхши йўлга қўйилган бўлса, биржа бутун эътиборни тижорат банкларига ёрдам беришга қаратган бўлса, бундай фаолиятдан норози бўлиш мумкинми? Мана, ҳозиргина «Туронбанк»дан хабар олдик. Улар ҳам биржамиз ишидан мамнун. Уларнинг тадбиркорлиги туфайли Юқори Чирчиқ туманидаги болалар боғчаси, Зангиота туманидаги банк филиали учун бино сотилди. Ҳозирда биржачилар ушбу банк билан Тошкент туманидаги ер участкасига эга турар жой ва Янгийўл туманидаги чорвачилик фермасини сотиш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

Нокамтарлик бўлмасин-у, «Савдогарбанк», «Тадбиркорбанк», «Заминбанк», «Ғаллабанк», «Ҳамкорбанк», «Алоқабанк», «Асакабанк» ва бошқа бир қатор банклар бизнинг фаолиятимизни зарур ва керакли, деб ҳисоблайди. Биз кўчмас мулк ва мулкларни сотиш ҳамда шу орқали банкларга даромад келтирувчи активларни тиклашда тезкор ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилаяпмиз.

**— Бу йил «биржа майдони»ни қандай тасаввур этасиз?**

— Ҳозирда Бухоро ва Намангандаги филиалларимиз муваффақиятли фаолият юритмоқда. Самарқанд филиалимиз ҳам шахдам қадам ташлай бошлади. Қаршидаги филиалимизни эса рўйхатдан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Бу йил, шунингдек, республикамизнинг бошқа минтақаларида, биринчи галда олинган кредитлар қайтарилмаган мулклар, кўп тўпланиб қолган Навоий, Андижон ва Фарғона шаҳарларидаги банкларда филиалларимиз тармоғини яратишни режалаштирганмиз.

**— Биржа қайси омиллар ҳисобига янада ривожланади деб ўйлайсиз?**

— Ўйлайманки, унинг ривожи, аввало, маблағ айланиши ва иш сифатига боғлиқ. Биржа савдоси жадаллашса, демак, банкларга хизмат кўрсатиш кўлами ҳам кенгаяди.

Айтайлик, бу йил биржа маркази Ўзбекистон Банклар ассоциацияси билан ҳамкорликда тижорат банклари ўртасида алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Миллий марказ негизида қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини тайёрлаш курсларини ташкил этади. Бундан ташқари, биржада фаолият юритаётган банк ходимлари «Кўчмас мулк операциялари» мутахассислиги бўйича ўқитилди, сўнгра улар электрон биржа савдоси тизимида амалиётни ўтайдилар. Ўқув машғулотлари тугагандан кейин эса тингловчиларга биржа савдоларида профессионал иштирокчи сифатида қатнашиш ҳуқуқини берувчи сертификат берилади ҳамда улар учун брокерлик ўринлари бепул ажратилади.

Буларнинг ҳаммаси Универсал биржа маркази фаолиятида ижобий ўзгаришлар бўлишини таъминлаб, унинг сифат ва миқдор жиҳатидан ўсишига хизмат қилади.

**Григорий КЛЯЦКИЙ суҳбатлашди.**

Азиз юртдошлар!

Ўзбекистон Республикаси
телекоммуникациялар хизмати оператори –

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси

сизларни баҳор байрами –

НАВРЎЗИ ОЛАМ



билан муборакбод этиб, барчангизга тинчлик, хотиржамлик, соғлиқ-саломатлик тилайди.

Ўзбекистон
телекоммуникациясининг келажаги
«Ўзбектелеком»га мансуб!

O'ZBEKTELEKOM
Aktsiyadorlik kompaniyasi
700000, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 24.
Тел. 133-42-59. Факс: 136-01-88.
E-mail: uztelecom@intal.uz
http: //WWW.uztelecom.uz



UJB

«ЎЗУЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНК»
ЖАМОАСИ

байрамлар ичида энг гўзал
ва дилга яқин бўлган айём –

Наврўзи олам

билан Ўзбекистоннинг барча
аҳолисини ҳамда
меҳмонларини самимий
қутлайди!

*Бошланаётган янги кун
дастурхонимизга қут-барака,
юртимизга тинчлик, оиламизга
хотиржамлик, қалбимизга
меҳр-мурувват, муҳаббат
олиб келсин!*



*Наврўзингиз
муборак бўлсин!*



ЎЗБЕКИСТОН
АКЦИЯДОРЛИК
ТИЖОРАТ
«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»И

Республикамиз халқини, ўз акциядорлари
ва банк мижозларини Наврўз
байрами билан самимий
муборакбод этади!

*Сизларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт,
бизнесингизнинг равнақ топишида ижодий
муваффақиятлар тилаймиз.*

*Ушбу байрамимиз
ҳамиша тинчлик,
яхшилик,
меҳр-шафқат ва
бунёдкорлик байрами
бўлиб қолсин!*



**«Ўзсаноатқурилишбанк» юртимиз
аҳолисига кулайлик яратиш мақсадида
хорижий валютадаги накд пул
жўнатмаларини жаҳоннинг 90 дан
ортиқ мамлакатларига халқаро**

**«CONTACT»**

**тизими орқали амалга ошириш
бўйича замонавий хизмат турини
таклиф этади.**

**«CONTACT»** тизими бўйича накд хорижий
валютадаги пул жўнатмаларини қабул қилиш
ва бизнинг ҳудудга келиб тушган пул
кўчирмаларини эгаларига тўлаш
«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг филиалларида
жойлашган жамғарма кассалари орқали
амалга оширилади.

**«CONTACT»** тизимида пул жўнатмаларини
амалга ошириш ишончли ва қулай,бунинг учун
жўнатилаётган маблағнинг атиги **3%** миқдорида
хизмат ҳақи тўланади.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 120-45-17, 133-34-45.



*Таълим ваислоҳот*

Равонак — Самарқанд тумани "Қўлбаипоён" фуқаролар йиғини ҳудудидаги обод қишлоқ. Унинг қоқ марказида ҳар қандай кишининг эътиборини тортар даражадаги ажойиб бино бор. Пештоқига "Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежи" деган сўзлар битилган. Бино замонавий, икки қаватли. Ҳовли кенг, ораста. Икки гектарлик узумзори ҳам бор.

# Равонакда шундай коллеж бор

Айни пайтда коллежда 600 га яқин талаба еттита ихтисослик бўйича таҳсил олаяпти. Уларнинг касб-ҳунар ўрганиши учун ҳамма имкониятлар яратилган бўлиб, бир эмас, иккита компьютер синфи ташкил этилган. Компьютер саводхонлиги дарси жараёнида ҳар бир ўқувчига биттадан компьютер тўғри келади. Дарсликлар етарли.

–Ҳар бир ўқувчи меҳр-мурувват қуршовида, — дейди коллеж директори Абдуҳалим Мелиев. — Кам таъминланган 6 нафар ўқувчининг ҳар бирига йил бошида 480 минг сўмлик кийим-кечак бепул берилди. Ана шундай ёшларнинг 20 нафарини энг кам иш ҳақи миқдорида стипендия билан таъминлаяпмиз. Ҳаммасидан ҳам талабаларимиздаги илмга ташналик, интилиш кўпроқ қувонтиради.



Коллеж раҳбари билан фан кабинетлари, устахоналарни айланамиз. Ёшлар билан суҳбатлашамиз. Тикувчилик, бадиий ўймакорлик бўлимларидаги йигит-қизларнинг чаққон ҳаракатлари, улар тайёрлаётган сўзаналар, кашталар, кийим-кечаклар, ганчкорлик буюмларига қараб кўз қувнайди.

Устахоналардан бирига автомобилларнинг турли қисмлари келтирилган. Улар Давлат автомобиль инспекциясининг маъмурий-ҳуқуқий фаолияти бўлими ўқувчиларининг касб ўрганишида қўл келаяпти. Автомобиль ҳайдашни ўрганиш майдончаси йўл ҳаракати қоидалари белгилари билан тўлиқ жиҳозланган.

Дурадгорлик устахонасида ўқувчиларнинг ўзлари тайёрлаётган стол, стул, парта ва бошқа анжомлар сифатидан ҳайратланмай қолмайсиз.

Билим ва ҳунар масканида газ таъминоти тизими жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш, бухгалтерия, молия агентлиги ва менежмент соҳалари бўйича ҳам бўлимлар мавжуд. Уларнинг ҳар бирида малакали мутахассислар машғулот ўтади.

Бу масканда бир нафар фан доктори, 4 фан номзоди ҳам ишлайди. Яқинда бўлиб ўтган вилоят олимпиадасида молия агенти гуруҳи талабаси Дилфуза Алламуродованинг 1400 ўқувчи ўртасида иқтисодий билим асослари фани бўйича иккинчи ўринни эгаллагани ҳам ана шу устозлар меҳнати самарасидир.

Меҳр ва мурувват йилида талабалар вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан бошланган "Энг ораста хонадон" танловида фаол иштирок этишаяпти.

— Равонакда қадимдан orasталикка эътибор берилган, — дейди коллеж раҳбари. — Бугун ҳам шундай. Ана шу орасталик борасида эса зиёлилар, хусусан, ўқитувчиларимиз намуна бўлишлари керак. Шу боис педагогларимиз коллеждаги фаолиятларидан ташқари бутун қишлоқда ҳам жамоатчилик ишларини кўнгилдагидек йўлга қўйишаяпти. Мақсадимиз – мамлакатимиз Президенти томонидан олға сурилган қишлоқ маданиятини юксалтиришга қаратилган йўл-йўриқларга муносиб ҳисса қўшиш.

Яна бир қувончли ҳол, коллеж жамоаси навбатдаги ўқув йилига ҳозирликни аллақачон бошлаб юборганида. Педагогик жамоа йил бошиданоқ Самарқанд ва қўшни Тайлоқ туманидаги қатор мактабларнинг 9-синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари билан учрашувлар ташкил этди. Бу эса ўқувчиларда, ота-оналарда коллеж ҳаёти билан яқиндан танишиш имконини яратаяпти. Ана шундай учрашувларда академик лицейлар бўйича бир қатор саволлар тушди. Таклифлар ҳам бўлди. Коллеж маъмурияти янги ўқув йилидан бошлаб ана шу таклифлар асосида академик лицейлар гуруҳлари очишга қарор қилинди. Шундай йўл тутилганда ён атрофдаги қишлоқ мактабларининг юқори синф ўқувчиларига физика-математика, кимё-биология ва тарих фанлари бўйича чуқур билим олиш имкони яратилади.

Коллежда болалар спортини ривожлантиришга эътибор катта. Стадион, спорт зали нафақат ўқувчилар , бутун маҳалла болалари ихтиёрида. Спортнинг муайтай, каратэ, миллий кураш, белбоғли кураш, футбол, волейбол каби бир қанча турлари бўйича тўгараклар доимий ишлаб турибди. Коллеж ёшларининг "Баркамол авлод" ўйинларининг ҳудудий босқичида 5 та тур бўйича биринчи ўринни эгаллаганликлари ана шу ишларнинг самарасидир.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**




**Вилоятлардаги барча халқ таълими бошқармалари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, давлат ташкилотлари, корпорациялар, банклар, қўшма ва хусусий корхоналар раҳбарлари диққатига!**

# АЛИШЕР НАВОИЙ номидаги САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРАТИ

2003/2004 ўқув йилида турли ихтисосликлар бўйича битирувчи бакалавр ва магистр мутахассисларни йўлланмалар асосида иш жойларига тақсим қилишга киришмоқда. Университетимизда билим олган мутахассислар кенг қамровли назарий билимлардан ташқари замонавий инновацион ва педагогик технологиялар билан кенг таниш бўлиб, чуқур амалий тажрибага ҳам эгадирлар. Мутахассисларни тайёрлашда ривожланган чет эл мамлакатларининг олий ўқув юртларидаги илғор педагогик технологиялардан фойдаланилган. Улар халқ хўжалигининг турли соҳа ва тармоқларида ишлаш малакаси ва тажрибасига эга бўлган ҳар томонлама етук, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори даражадаги мутахассислардир.

Университетимизни битирган мутахассисларга эҳтиёжи мавжуд бўлган давлат ташкилотлари, корпорациялар, банклар, қўшма ва хусусий корхоналар талабнома ва сўров хати билан бизга мурожаат этишлари мумкин. Талабномангизда сиз раҳбарлик қилаётган муассасада ёш мутахассисларга яратиб бериш мумкин бўлган имкониятларингиз (маошга устама ҳақ тўлаш, турар жой билан таъминлаш ва уларга бериладиган бошқа имтиёзларингиз) ҳамда қўшимча таклифлар ҳақида университет ректоратига жорий йилнинг 25 апрелига қадар хабар беришингизни сўраймиз.

Ректорат 2003/2004 ўқув йилида қуйидаги жадвалда кўрсатилган йўналишлар бўйича университетни битираётган юқори малакали бакалавр ва магистрлар ҳақида вилоятлар бўйича статистик маълумотни сизнинг эътиборингизга ҳавола қилади.

**Қўшимча муълумотлар учун тел./факс: *35-26-26, 33-61-98.* Манзилимиз: Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети, маркетинг хизмати.**

## 2003/2004 ўқув йилида Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети бакалавриатурасини битирувчи мутахассисларнинг вилоятлар бўйича тақсимоти

| № | Таълим йўналиши | Жами битирувчилар сони | Шу жумладан, вилоятлар бўйича | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Жиззах | Сурхондарё | Андижон | Хоразм | Сирдарё | Бухоро | Самарқанд | Навоий | Қашқадарё | Фарғона | Тошкент |
| 1. | Жисмоний маданият ва жисмоний тарбия | 59 | | 2 | | | | | 55 | 1 | 1 | | |
| 2. | Бошланғич таълим ва тарбиявий иш | 51 | | | | | | | 47 | 2 | 2 | | |
| 3. | Мусиқий таълим | 24 | | | | | | | 21 | 3 | | | |
| 4. | Педагогика ва психология | 37 | | 1 | | | 1 | | 31 | 2 | 2 | | |
| 5. | Ўзбек филологияси | 91 | 2 | | 1 | 1 | | 2 | 77 | 3 | 5 | | |
| 6. | Славян филологияси | 31 | | | | | | | 31 | | | | |
| 7. | Тожик филологияси | 17 | | 1 | | | | | 13 | 2 | | 1 | |
| 8. | Фалсафа | 20 | 1 | | | | | | 17 | 2 | | | |
| 9. | Археология | 11 | | | | | | | 9 | 1 | 1 | | |
| 10. | Тарих | 108 | 2 | 1 | | | | 1 | 100 | 2 | 2 | | |
| 11. | Социология | 31 | 1 | | | | | | 25 | 3 | 2 | | |
| 12. | Иқтисодиёт | 90 | 1 | | | | | | 87 | 1 | 1 | | |
| 13. | Ҳуқуқшунослик | 133 | 3 | 5 | 1 | 1 | | 11 | 99 | 5 | 8 | | |
| 14. | Биология | 81 | 1 | | | 1 | | | 72 | 4 | 3 | | |
| 15. | Биокимё | 19 | 1 | | | | | | 15 | 3 | | | |
| 16. | Механика | 37 | 1 | | | | 1 | | 31 | 3 | 1 | | |
| 17. | Кимё | 48 | 1 | | | | | 3 | 41 | 1 | 1 | | 1 |
| 18. | Физика | 84 | 1 | | | | | | 74 | 4 | 5 | | |
| 19. | География | 54 | | | | | | | 50 | 4 | | | |
| 20. | Математика | 95 | 6 | | | | | | 81 | 3 | 5 | | |
| 21. | Амалий математика ва информатика | 43 | 4 | 1 | | | | | 33 | 2 | 3 | | |
| 22. | Электроника ва микроэлектроника | 36 | 2 | | | | | | 29 | 2 | 3 | | |
| 23. | Информатика ва ахборот технологияси | 32 | | 1 | | | | | 31 | | | | |
| 24. | Агрокимё ва агротупроқшунослик | 17 | | | | | | | 14 | 1 | 2 | | |
| 25. | Экология ва табиатдан фойдаланиш | 36 | 1 | | | 1 | | 1 | 31 | 1 | 1 | | |
| 26. | Касбий таълим | 13 | | | | | | | 13 | | | | |
| 27. | Касбий педагогик тайёргарлик | 20 | | | 1 | | | | 15 | 1 | 3 | | |
| | **ЖАМИ:** | **1318** | **28** | **12** | **3** | **4** | **2** | **18** | **1142** | **56** | **51** | **1** | **1** |

## 2003/2004 ўқув йилида Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети магистратурасини битирувчи мутахассисларнинг вилоятлар бўйича тақсимоти

| № | Таълим йўналиши | Жами битирувчилар сони | Шу жумладан, вилоятлар бўйича | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Жиззах | Фарғона | Қашқадарё | Тошкент | Самарқанд | Навоий | Сурхондарё |
| 1. | Информатика | 3 | | | | | 2 | 1 | |
| 2. | Мусиқий таълим | 2 | | | | | 2 | | |
| 3. | Педагогика | 3 | | | | | 3 | | |
| 4. | Психология | 8 | | 2 | | 1 | 4 | 1 | |
| 5. | Касбий таълим | 2 | | | | | 2 | | |
| 6. | Лингвистика (ўзбек филологияси) | 2 | | | | | 2 | | |
| 7. | Лингвистика (тожик филолигияси) | 1 | | 1 | | | | | |
| 8. | Адабиётшунослик (ўзбек адабиёти) | 3 | | | | | 3 | | |
| 9. | Лингвистика (славян филологияси) | 1 | | | | | 1 | | |
| 10. | Адабиётшунослик (славян филологияси) | 2 | | | | | 2 | | |
| 11. | Жаҳон тарихи | 2 | | | | | 2 | | |
| 12. | Диалектика ва билиш назарияси | 2 | | | | | 2 | | |
| 13. | Ватан тарихи | 2 | | | | | 2 | | |
| 14. | Археология | 3 | | | 1 | | 2 | | |
| 15. | Социология назарияси, методологияси ва тарихи | 2 | | | | | 1 | 1 | |
| 16. | Аҳолишунослик ва меҳнат иқтисодиёти | 14 | 1 | | 1 | | 12 | | |
| 17. | Менежмент (соҳалар бўйича) | 15 | 2 | | | | 13 | | |
| 18. | Ботаника | 2 | | | | | 2 | | |
| 19. | Одам ва ҳайвонлар физиологияси | 2 | | | | | 2 | | |
| 20. | Биотехнология | 3 | | | | | 3 | | |
| 21. | Тупроқшунослик | 1 | | | | | 1 | | |
| 22. | Агротупроқшунослик | 1 | | | | | 1 | | |
| 23. | Назарий физика | 2 | | | | | 1 | | 1 |
| 24. | Лазер физикаси | 3 | | | 1 | | 1 | 1 | |
| 25. | Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси | 2 | | | 1 | | 1 | | |
| 26. | Иссиқлик ва молекулалар физикаси | 2 | | | | | 2 | | |
| 27. | Магнит ҳодисалари физикаси | 2 | | | | | 2 | | |
| 28. | Квант электроникаси | 2 | | | | | 1 | 1 | |
| 29. | Назарий механика | 2 | | | | | 2 | | |
| 30. | Ноорганик кимё | 2 | | | | | 1 | 1 | |
| 31. | Аналитик кимё | 2 | | | | | 2 | | |
| 32. | Органик кимё | 2 | | | | | 1 | 1 | |
| 33. | Физик география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимё | 4 | 1 | | | | 3 | | |
| 34. | Математик таҳлил | 4 | | | 1 | | 3 | | |
| 35. | Дифференцал тенгламалар | 4 | | | 2 | | 2 | | |
| 36. | Математик мантиқ, алгебра ва сонлар назарияси | 2 | | | 1 | | 1 | | |
| 37. | Геометрия ва топология | 4 | 2 | | | | 1 | 1 | |
| 38. | Амалий математика ва ахборот технологиялари | 3 | | | | | 3 | | |
| 39. | Математик физика | 2 | | | | | 2 | | |
| 40. | Ҳисоблаш математикаси | 1 | | | | | 1 | | |
| 41. | Оптималлаштириш ва оптимал бошқариш | 2 | | | | | 2 | | |
| 42. | Қаттиқ жисмли электроника | 1 | | | | | 1 | | |
| 43. | Тарихшунослик, манбашунослик ва тар.тат. | 5 | | | 1 | | 4 | | |
| 44. | Музейшунослик, консервация ва бадиий бойлик | 6 | | | | | 6 | | |
| 45. | КҲ фанларини ўқитиш методикаси (электроника ва микроэлектроника) | 2 | | | | | 2 | | |
| 46. | КҲ фанларини ўқитиш методикаси (информатика ва ахборот технологияси) | 2 | | | | | 2 | | |
| | **ЖАМИ:** | **139** | **6** | **3** | **9** | **1** | **111** | **8** | **1** |



# Яна келди гул фасли кўклам

Келибсан хуш, гўзал кўклам,
Юртимга марҳабо қилгил.
Безаб қиру адирларни,
Ажаб савти наво қилгил.

Ариқларнинг лабларига
Қўндириб сабза, ялпизлар.
Латофат бахш этиб мудом.
Нозларин таманно қилгил.

Офтобинг нур тўксин букун,
Зориққан интиқ дилларга.
Нурга йўғур йўлимни ҳам,
Кўзимни пурзиё қилгил.

Борки қимирлаган жонлар,
Муштоқу зор жамолингга.
Аларнинг бош-кўзин силаб,
Иқбол тилаб, дуо қилгил.

Шукроналар айтадурман,
Эллик йиллар юзинг кўрдим.
Яна кўп йил кўришмакни,
Наврўзжоним, раво қилгил.

Яна келди гул фасли кўклам,
Майсалардан тўшади гилам,
Нурга тўлди бу кўҳна олам,
Шу оламнинг гулюзи Наврўз.

Шаббоданинг югур-югури,
Шўх қушларнинг чуғур-чуғури,
Юракларнинг гупур-гупури,
Бизга айтган дилсўзи Наврўз.

Ёмғир эмас, ёғар саховат,
Саховатдир элимга одат.

Жумла жаҳон сарвари абад—
Йилбошининг юлдузи Наврўз.

Минг-минг йилдан бери барҳаёт,
Қанотида гулёру баёт,
Яхшиликка ташна бир сайёд—
Тенгдир кеча-кундузи Наврўз.

Ҳурлик берган ғурурдан сўра,
Қалбда унган сурурдан сўра,
Айём қадрин Темурдан сўра,
Она юртнинг ризқ-рўзи Наврўз.

Она заминимда гиёҳлар унди,
Куртаклар лабига табассум инди,
Саҳарда уфқлар алвондек ёнди,
Уйғоқмисан дея сўроқлар Наврўз.

Далалар бошига отланар деҳқон,
Орзуси тикласа кўкўпар хирмон,
Яшамоқ ишқида қимирлаган жон,
Чироқмисан дея сўроқлар Наврўз.

Шамолларга сочдим эзгу ҳисларни,
Искадим келтирган хушбўй исларни,
Соғинч тўлдирмаса қора кўзларни,
Фироқмисан дея сўроқлар Наврўз.

Олам гўзалликка тўлмоқда бугун,
Олам шодлигидан кулмоқда бугун,
Чеҳралар, либослар турфа ранг, гулгун,
Муштоқмисан дея сўроқлар Наврўз.

Олдинда уфқлар—кўзгудай ёлқин,
Жисмингда эзгулик ташлаган тўлқин,
Истиқлол йўлингда турибди балқиб,
Чақмоқмисан дея сўроқлар Наврўз.

Енг шимар, Ватаннинг иқболи учун,
Фидойи бўлмасанг яшамоқ нечун,
Яшасин қўшиқдай бу кўҳна очун,
Уйғоқмисан дея сўроқлар Наврўз.

**Темур УБАЙДУЛЛО.**



*Шеър сеҳри — баҳор сеҳри...*

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат-лавҳа.

патент № 0119582

**ТАШҚИ РЕКЛАМА**

Корхона ва ташкилотлар диққатига !
Хусусий тадбиркор Умурзаков Э.А.
Сиз учун қисқа муддатларда ва арзон баҳоларда қуйидаги ташқи реклама воситаларини тайёрлаш ва ўрнатиш бўйича ўз хизматларини таклиф этади:

- пластик осма ёзувлар;
- ёритилувчи таблолар;
- ҳажмли ҳарфлар;
- эшик лавҳалари;
- тортма баннерлар;
- кўрсаткичлар;
- реклама тўсинлари ва ҳоказо

Кўрсаткич

А

Тўлов пул ўтказиш йўли билан.
Маълумот учун телефонлар:
128-37-13, 173-63-90, 186-37-13, 173-38-35.

*Кўргазма*



# Тасвирларда Наврўз нафаси

*Истиқлол шарофати билан миллий қадриятларимиз, бобомерос урф-одатларимиз қайта қад ростламоқда. Ўзининг ҳусни-тароватини кўз-кўз қилиб Наврўзи олам юртимиз узра ифорини таратмоқда.*



Айни кунларда Бадиий академиянинг Марказий кўргазма залига ташриф буюрсангиз, баҳор, Наврўз нафасини ҳис қиласиз. Зеро, табиат ҳуснидан илҳомланган рассомлар, ҳайкалтарошлар, амалий санъат усталари янги-янги асарлар яратишяпти. Турли давр рангтасвири, ҳайкалтарошлиги, миниатюра, меъморчилик, амалий санъат ҳамда эртак, достон ва урф-одатлар каби халқ оғзаки ижодига бўлган қизиқишлари ушбу кўргазманинг асосини белгилайди. Кўргазмадаги рангтасвир асарлари ўзига хос афсонавий оҳангни тараннум этса, халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ рамзлар — уй-арава, бешик, тандир, идиш-товоқлар намойиш этилаётган асарларнинг жонли кўринишидир.

Таниқли рассом Алишер Мирзаевнинг «Баҳорий Сўқоқ», «Тоғолча остидаги учрашув», «Натюрморт»ларида халқ оғзаки ижоди, миниатюра анъаналари рус санамнавислиги ва европача кубизм билан уйғунлашиб кетади. Жавлон Умарбековнинг «Оқ кабутарлар», «Бозор йўли», «Туш», «Пичоқ сотувчи» сингари композициялари ҳар доимгидек ўзининг авангард услубда ишланганлиги, рангларнинг жилоси, образлар ҳаракатининг ўзига хослиги билан томошабинни ҳайратга солади. Бобур Исмоиловнинг «Ўғил тўй», «Тугун», «Дайди масхарабозлар», Леким Ибрагимовнинг «Оқ отлар беллашуви», «Қушлар учиб кетди», «Сўқоқ қизлари», «Хўтан гўзаллари» асарларини бир кўришдаёқ бу асарлар айнан шу муаллифларга тегишли эканлигини билиб оламиз.

Ш. Абдуллаевнинг «Ёзги туш», «Зумрад орзу» асарларида аёл тафаккури, дунёқараши орзу-умидлари чизгиларида ҳам намоён бўлишининг шоҳиди бўлсак, Х. Зиёхоновнинг «Дуторчи қизлар», «Ҳовуз бўйида», «Она ва қиз», «Меросхўр» каби асарларида хаёлот дунёси гавдаланади. Шарқона размий руҳни акс эттириш учун Х. Зиёхонов ўзига хос услубни танлаган. Образларнинг, ўйлаган ғоясининг жонли чиқиши учун у ранг бўёқдан ташқари аппликациядан фойдаланган. Ёрқин ранглар оғушида миллий кашталар нақшлар билан уйғунлашиб ҳаётни, одамларни оҳанг, безакларда акс эттиради.

М. Исановнинг «Шарқ ақидаси», «Малика», «Кушон анори», «Туш», «Ясама хўроз» каби асарларининг бадиий ва фалсафий ғоясида рассомнинг ўзигагина хос бўлган ички туйғулари ётади. Аёл, гул ва қуш рассомнинг суюкли персонажларидир. Рассомнинг фикрича, уларда фалсафий маъно — инсон руҳияти ҳамда гўзаллик мужассам.

Азиза Маматова суюкли шоиримиз, марҳум Муҳаммад Юсуф сиймосини яратишга баҳоли-қудрат ҳаракат қилган. Портретга узоқ боқиб туриб, шоирнинг шеъри ёдга тушади:

*Ёдладиму*
*айтолмай унга,*
*Бағри дилим тўлди*
*доғ билан.*
*Осмонларга*
*термулиб ётдим,*
*Томда синглим*
*қизғалдоқ билан.*

Кўргазмада намойиш этилаётган ўзига хос ғоялар билан йўғрилган барча рангтасвир, графика асарлари миллий хусусиятларни ифодаласа, натюрмортлар теран лиризм ва баҳорий кайфият бағишлайди.

Л. Нестеровичнинг сополдан ясалган безак композицияси кишини ўйга чўмдириб, фикрлашга ундайди. Шунингдек, кўргазмадаги турли усталар ва мактабларга мансуб бўлган амалий безак санъати асарларига ҳам кенг ўрин ажратилган.

Бир сўз билан айтганда, халқ усталарининг сопол, тўқимачилик, заргарлик буюмлари, ёғоч ўймакорлиги намуналари, миниатюра асарлари кўргазмасида табиатга ошнолик, муҳаббат изҳор этилмоқдаки, улар ҳар бир томошабин қалбига завқ бағишлайди.

**М.ФАЙЗ.**

## Оталар дуо қилишди

Ҳисоблаб кўрсаларки, Шўрчи туманида ёши юздан ошган 50 та нуроний яшар экан. Энг қизиғи, шулардан 10 нафари туманнинг бош боғида ўтказилган наврўзолди байрам тантаналарини томоша қилгани чиқишди. Иззатига етиб юртдошлари уларга Наврўз совғаларини улашдилар. Байрамга чиқмаган қариялар ҳам назардан четда қолгани йўқ. Совғалар уларнинг уйларига етказиб берилди.

Шунингдек, Наврўз кунлари туман ҳокимлиги 29 та ногирон кишиларга аравачалар совға қилди. Наврўз руҳи кўчаларни ободонлаштириш, мактабларни таъмирлаш ишларига уланиб кетмоқда.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

экономическое ОБОЗРЕНИЕ ЖУРНАЛИ




**ИМКОНИЯТ БЕРУВЧИ АХБОРОТ ВА БИЛИМ!**

- ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ТАМОЙИЛ ВА МУАММОЛАР
- БОЗОРЛАР ВА КОРХОНАЛАР ҲАҚИДА ИШОНЧЛИ АХБОРОТ
- ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ МАСАЛАЛАРИ
- ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЖУРНАЛ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ГАЗЕТА ДЎКОНЛАРИ ВА СУПЕРМАРКЕТЛАРИДА СОТИЛМОҚДА

ОБУНА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

WWW.REVIEW.UZ ● ОБУНА ИНДЕКСЛАРИ – 957, 958 ● SALES@CER.UZ

Қайд қилинган гувоҳнома № 00023

O'ZSANOATQURILISHBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !

*Наврўз байрами арафасида Жиззахда боқувчисини йўқотган оилалар, "29-Меҳрибонлик уйи" ҳамда 6-"Ширин" махсус мактабгача тарбия муассасаси тарбияланувчилари иштирокида ўтказилган тадбир "Меҳр қолур дилларда" деб номланди.*

## «Меҳр қолур дилларда»

Болажонлар ҳомий ташкилотлар ташаббуси билан ўзлари учун ёзилган байрам дастурхони атрофида қизиқарли дастурни мириқиб томоша қилдилар. Ўндан зиёд йигит-қизларнинг туғилган кунлари нишонланди. Шу муносабат билан шаҳар ҳокимлиги кичкинтойларнинг ҳар бирига 10 минг сўмдан пул қўйилган жамғарма дафтарларини ҳадя этди. Ҳомийлар, савобталаб кишилар ҳам болажонларга ўз совғаларини топширдилар.

— Бундай тадбирлар йил давомида ҳар бир мактаб, боғча ва бошқа ўқув-тарбия муассасаларида давом этади, — дейди Республика "Болалар" жамғармаси шаҳар бўлими раҳбари Д. Расулова.

**Б. САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

*Ўзбекистон — умумий уйимиз*

# Эшиги ҳамиша очиқ уйлар

*Жомашўй шаҳарчаси, «Озодлик» кўчасидаги 132-уйда Турсуной ая Йўлдошева исм-шарифли мўътабар онахон яшарди. Уни кўпчилик йўқлаб турарди. «Топган гул келтирар, топмаган бир боғ пиёз» деганларидек, қуруқ келишмасди улар. Ая эса узундан-узоқ дуо қилиб, замонага шукрона келтирарди. Эртами-кечми, бу уйнинг дарвозаси умуман қулфланмасди.*

Шаҳарча оқсоқоли Аҳмаджон Нурматов кутилмаганда Турсуной ая вафот этганини маълум қилди. Бир гуруҳ фаолларга маросим учун зарур нарсалар тақсимланди. Нафақат таъзия, барча тадбирларнинг рисоладагидек ўтиши таъминланди. Буни кўриб маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар номига раҳмат ёғилди.

Евгения ва Ирина Кравчук, Турсунбой Абдуқодировларнинг маросимларида ҳам уларнинг ёлғизликлари сездирилмади. Маҳалла оқсоқоли билан бирга уларга ҳомий этиб бириктирилган туман фаоллари белни маҳкам боғлаб хизматда бўлдилар.

— Вазирлар Маҳкамасининг ёлғиз қария, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги қарори бизга дастуриламал бўляпти, — дейди Мингбулоқ тумани ижтимоий таъминот бўлими мудири Олимжон Қўшбоев. — Ана шу тоифадаги 234 кишига туман ҳокимлиги қарори билан ҳомийлар масъул этиб қўйилган. Вақти-вақти билан уларнинг ҳисоботи эшитиб борилади.

Эрйигит Ўрмонов номли кўчанинг 42-уйида бўлдик. Ижтимоий соҳа ходимаси Сабохон Абдураҳмонова шу ерда экан. Худди шу оила фарзандидек қарши олди бизни. Туман соғлиқни сақлаш бўлими мудири Баҳодир Каримов шаънига самимий фикрлар айтди.

— Газетага ёзсангиз, Президентимизга алоҳида миннатдорчилик туйғуларим борлигини ҳам қўшиб қўйишни унутманг, — деди хонадон соҳибаси Мария Сухимина.

Туманда ўзгалар меҳрига муҳтожлар қалбига малҳам бўлаётган саховатли кишилар кўп. Ирода Қўчқорова, Анваржон Йўлдошев, Абдуқаҳҳор Ҳакимов, Омонулла Отабоев, Абдулаҳат Калонов кабиларнинг меҳр ва мурувватлари таҳсинга лойиқ.

Ҳукуматимизнинг барча имтиёзларидан фойдаланаётган, айни чоғда меҳрибон кишилар ҳароратини туяётган отахон-онахонларнинг қувонганича бор. Кейинги пайтнинг ўзида уларга ҳомийлар томонидан 9944,3 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, шунингдек, ёлғиз қариялар ҳузурида бўлсангиз, 12 нафар ижтимоий ходима, ўқувчилардан таркиб топган «Саховатли болалар» гуруҳлари жонларига оро кираётганини миннатдорчилик билан тилга олишади.

Туман маданият бўлими мудири Баҳодир Солмухонов ҳамроҳлигида Зайтуна Галкиевани байрам билан қутлашга бордик. Эшиги ланг очиқ. Ўқувчи болалар уй юмушларини бажаришаётган экан. Бизни кўриб аянинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

— Халқимиз жуда мурувватли, бағри кенг халқ-да, — кўзига ёш олади Зайтуна опа. — Буни оғир касал бўлиб ётиб қолганимда теранроқ англадим. Шундай жаннатмонанд юртда, меҳр-оқибатли кишилар орасида яшаётганимга шукур қиламан.

Хайр-саховат, оқибатни бурч деб билганларнинг бу ишларидан кўнгилга илиқлик югуради. Эндиликда улар саъй-ҳаракати билан эшиги ҳамиша очиқ уйларга янаям кўпроқ меҳр ва мурувват киради.

**Қосимжон АКБАРОВ.**
**Наманган вилояти.**

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси
Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш
**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

**қуйидаги иншоотга**
танлов савдоси (тендер) ўтказилишини эълон қилади:

**Наманган вилояти, Поп туманининг Чоркесар участкасидаги собиқ 23-кон ҳудудида экологик вазиятни соғломлаштириш 2-навбати (1, 2, 3, 4-участкаларни дезактивациялаш ва техник рекультивациялаш ишларининг бир қисмини тайёр ҳолда (под ключ) қурилиши).**

*Лойиҳани тайёр ҳолда (под ключ) қуриш бошланғич нархи — 175 000 000 сўм.*
*Қурилишни якунлаш муддати — 120 кун.*
*Буюртмачи — Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 7-уйда жойлашган Республика табиатни муҳофаза қилиш капитал қурилиш бошқармаси. Телефон: (8-3742) 135-03-59.*
*Қурилиш ишлари Section 416 (Б) инвестиция дастури маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.*

Ташкилот ва корхоналаб қуйидаги шартларга: *етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг 20 фоиз миқдорида бўш айланма маблағига, молиявий имкониятлари ва материаллар заҳирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга,тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти консалтинг марказига қуйидаги манзилга:

***Наманган ш., А.Навоий к., 36-уйга (Матбуот уйи, 4-қават)***
***иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилиш мумкин.***
**Тел./факс: (8-3692) 26-14-50, 26-47-91.**

*Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50000 сўм.*

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.*

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти жамоаси институт ректори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ҳомид Каримовга опаси **ХОСИЯТ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзР ФА иқтисодиёт институт жамоаси институтда кўп йиллар давомида фаолият юритган, собиқ бўлим бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди **Неъмат ФАЙЗИЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти жамоаси «Народное слово»нинг ўз мухбири Абдувоҳид Ҳотамовга опаси **Инобат РАҲИМОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича 1-проректори Неъматулла Мўминовга акаси, профессор **Миродиқ МЎМИНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади,

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 472. 33413 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшед ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т -Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Санаев.
Навбатчи — С. Анвар.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 02.25 1 2 3 4 5